Хотира ва қадрлаш халқимизга хос миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчалардир.

Ислом КАРИМОВ

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 7-may, 19(608)-son | Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

☑ ***Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.***

☑ Тошкент Давлат юридик институтида "Орол экологик инқирози — XXI аср фожиаси" мавзусида олимпиада бўлиб ўтди. Ушбу олимпиадада институт талабаларидан ташкил топган "Экопарламент", "Экосуд" гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Олимпиада ёшлар ўртасида табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда қонунларнинг роли ва аҳамиятини тарғиб этишга бағишланди.

☑ ***Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси Жон Пурнел Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига, Чегара қўшинлари ва Давлат божхона қўмитасига умумий қиймати 516638 доллар бўлган ҳарбий техника анжомларини топширди.***

☑ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Унда республикамиздаги барча олий ўқув юртлари ректорлари ва проректорлари иштирок этди.

☑ ***Пойтахтимизнинг Замонавий санъат марказида мамлакатимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг "Камалак жилоси" расмлар танлови бўлиб ўтди.***

☑ Тошкентда Ўзбек-турк тест маркази қўшма корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. "Ўзстандарт" агентлиги ва Турк стандартлари институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхонада тўқимачилик, енгил саноат, мебел, электр хўжалик моллари, аудио-видео кассета маҳсулотлари лаборатория синовларидан ўтказилиб, сертификатланади.

☑ ***Пойтахтимиздаги "Зарафшон" концерт залида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирилиги ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг ёш билимдон истеъмолчи" республика кўрик-танлови ўтказилди.***

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Мустақил Ўзбекистон Республикаси равнақи учун олиб борилаётган улкан ишларда минглаб алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Албатта, бунда фидойи алоқачиларнинг хизматлари беқиёсдир. Ўтган йилги иш натижаларига кўра ҳалол меҳнатлари учун раҳбар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан мукофотланди.

"Самарқанд Телеком" филиали директорининг биринчи ўринбосари **Тўхта ҒАЙБУЛЛАЕВ**, "Навоий Телеком" филиали техник директори **Турсун Камилович ОЛИМОВ**, "Хоразм почтаси" АЖ Гурлан филиали бош оператори **Румия МАДАМИНОВА**, "DAEWOO Unitel Co" ШК Бош директори **Ёнг Санг ХАН**, "Ўздунробита" қўшма корхонаси Тижорат директори **Темирмалик Камалович АЛИМОВ**лар Агентликнинг **"МОҲИР АЛОҚАЧИ"** фахрий унвони билан;

(Давоми 2-бетда.)

МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Бугунги кунда республикамизда ахборот хизматини йўлга қўйиш ҳамда ахборотлаштириш соҳасида етук мутахассисларни тайёрлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёш мутахассисларимизнинг замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш бўйича етарли даражада малакага эга эмасликлари сезилиб қолмоқда. Шунинг учун мавжуд таълим тизимини такомиллаштириш, сифатини ошириш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш барча олий ўқув юртлари олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда яқинда Тошкент ахборот технологиялари университетида "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда қатнашган 130 дан ортиқ иштирокчининг 50дан зиёдини турли алоқа корхоналари раҳбар ва мутахассис вакиллари ташкил этди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Х.Мирзоҳидов университетда ўқув жараёни ва амалиётни ташкил этишда талабаларга ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишга мўлжалланган ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда мавжуд моддий-техник базадан оқилона фойдаланиш, илмий даражали ёшларни тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг, ТАТУнинг Ўқув ишлари бўйича проректори Х.Орипов, факультетлар деканлари Н.Гултўраев, Р.Иброҳимов, Ш.Назиров ва Б.Омоновларнинг маърузалари тингланди. Маърузаларда университет ва алоқа корхоналари интеграциясини ривожлантириш бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммо ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, таклифлар ва уларни амалга оширишнинг йўллари ҳақида сўз борди.

ТАТУда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маърузада университетда 10 йўналиш бўйича бакалавр, 20 та мутахассислик бўйича магистрлар, 3 та ихтисослик бўйича аспирантлар тайёрланиши, мавжуд ўқув режалари, фанлар дастурлари таҳлили ва ҳозирги вақтда бу ерда докторантура очилмаганлиги ҳақида маълумот берилди. Айниқса, соҳа раҳбарлари ТАТУ ўқув лабораторияларини замонавий телекоммуникация техникаси билан жиҳозлаш, кутубхонасини эса адабиётлар билан таъминлашда ёрдам бериши зарурлигига урғу берилди.

Йиғилишда, шунингдек, Агентлик мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи М.Рустамова, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зикиров, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази илмий маслаҳатчиси Ж. Абдуллаев, Ўзбекистон телерадиокомпанияси техник бўлими бошлиғи А.Расулов ва бошқалар сўзга чиқиб, иқтидорли ёшларга эътибор беришга, уларга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканликларини таъкидлаган ҳолда тажрибали ва фидойи ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш зарурлигига эътиборни қаратишди.

Семинар қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтди.

Камола ТОШПЎЛАТОВА

УНИВЕРСИТЕТДА БЎЛГАН ЧОҒИМДА...

Яқинда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси навбатдаги ўқув семинарини ташкил этди. "Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш" мавзуига бағишланган бу тадбирда мутахассис сифатида мен ҳам қатнащдим. Қувончлиси шундаки, ўқув семинари биз таҳсил олган даргоҳ — Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)да ўтказилди.

Университетда бўлган чоғим бахтиёр талабалик йилларим ёдимга тушди. Тўғри, бино зали, аудиториялар ўша-ўша. Аммо издошларим ўрганаётган соҳа аввалгиларга ўхшамайди. Уларнинг дунёқараши бўлакча!

Истиқлол ва унинг беқиёс шарофатига шукр қилсак арзийди. Юртимизда бошқа соҳалар қатори алоқа тизими ҳам жаҳон андозалари талабига мос равишда равнақ топмоқда. Ўқув-семинаримизнинг ўтказилишидан мақсад шундай янгиликларни турмушга кенг татбиқ этишдан иборат эди. Хориж сармояси ҳисобига мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган ускуналарни махсус асбоблар билан ўлчаш ва метрология кўригидан ўтказиш пухта ўрганилди. Шу билан бирга янги дастҳоҳларни ишлатиш даврида меъёрий ҳужжатларни давлат тилига ўгириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Семинар сўнгида барча вилоят филиалларидан келган мутахассислар тест синовларидан ўтиб, сертификат топшириш маросимида иштирок этишди. Ҳозир ўқув семинарида олган билим ва тажрибаларимизни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қиляпмиз.

Ўқув семинари сабаб Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлган чоғим севимли даргоҳимизда қутлуғ 50 йиллик юбилейга катта тайёргарлик кўрилаётганлигидан бағоят хурсанд бўлдим. Ўз навбатида бизга билим берган ва касб сирларини ўргатган, аммо бугун ҳаёт бўлмаган ҳурматли устозларни ёдга олдим.

Эшназар ХУДОЙНАЗАРОВ,
"Сурхондарё Телеком" филиали электралоқа бўлими муҳандиси

МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН БЎЛСА

Маҳалламизда бир неча йилдан бери АТС ишлаб турибди. У 200 хонадонга хизмат қилмоқда. Кўрсатилаётган хизматнинг сифати доимо диққат-эътиборимизда. Ҳамкасбим ва шогирдим Алимардон Холмўминов билан эътирозларга ўрин қолдирмасликка астойдил интиляпмиз. Натижада телефонларимиз бенуқсон ишлаяпти.

Яқинда ишхонамизга мижозлардан бири Холмурод Даминов келиб ўз миннатдорчилигини билдирди. Маълум бўлишича, узоқяқиндаги қавм-қардошларни ва дўст-биродарларни тўйга чақиришда телефон "чопарлик" вазифасини аъло даражада бажарибди. "Оиламизнинг кичик бир тадбири учун от чоптириб юрмадик, — деди Холмурод хурсанд ҳолда, — Сизларга катта раҳмат, ҳарқалай, телефон шундай ишлаб турсин".

Камтарин меҳнатимиздан одамлар манфаат топаётган, хизматимиздан маҳалладошларимиз мамнун бўлаётган экан, шунинг ўзи биз учун катта мукофот.

Турди ТЎРАЕВ,
Қумқўрғон туманидаги "Бешқаҳрамон" ширкат хўжалигининг Кўчарсой маҳалласи электромонтёри

2004-yil — Mehr muruvvat yili

АЛОҚА СОҲАСИДА БАХТИМНИ ТОПДИМ

"Хоразм Телеком" филиалида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳар бир байрам арафасида қариялар ҳолидан хабар олиш анъанага айланган.

Абдушариф ота Каримов 81 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай ҳали тетик. Меҳнатда чиниққанлиги боис қарилик нафақасига чиққанида ҳам уйда зерикиб ўтира олмади. У "Хоразм Телеком" филиалига ишга кирганида аллақачон олтмишни қоралаб қўйганди. Ширинсухан қария тезда жамоа билан тил топишиб кетди. Хўжалик ишлари мудири сифатида вилоят алоқа корхонасининг моддий-техника базасини кучайтиришга баҳоли қудрат ҳиссасини қўшди.

Нуроний отахон корхона ходимларининг иш фаолиятларида зарур бўладиган барча нарсаларни муҳайё қилишга интиларди. Бошқа ташкилотлардан олинадиган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини у ҳеч бир қийинчиликсиз келтирарди. Борган жойида нуроний кишига ҳамма ҳурмат билан қарар, илтимосини дарров бажаришар эди.

1942 йили кўпчилик қатори у ҳам Иккинчи жаҳон урушига жўнаб кетди. Жисмонан бақувват ўзбек йигитини ҳаво десанти қўшинларига қабул қилишди. Кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, ёв билан мардонавор курашган Абдушариф Берлингача етиб борди. Кейин эса Япония билан урушда иштирок этди.

Уруш тугагач А.Каримов далада ишлади. Ўн саккиз йил Ўзбекистон пахтачилик илмий-текшириш институти Хоразм филиалининг тажриба участкасида бригада бошлиғи бўлди. Нафақага чиққунча шу ташкилотда агрономлик қилди. Пахта навини Хоразм шароитига кўниктириш, янги навларни синаб кўришда кўпгина тадбирларни амалга оширди.

Абдушариф ота саксон ёшигача "Хоразм Телеком" филиалида самарали меҳнат қилди.

– Худога минг қатла шукр, тинч-тотув замонда яшаяпмиз, – дейди Абдушариф ота Каримов. – Биз кўрган қийинчиликлар, уруш балоси ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бошқа миллатлар сингари ўзбекнинг ҳам қанчадан-қанча мард ўғлонлари урушдан қайтмади. Толеимга ёзилган экан, "ўқ ёмғир"ларидан бошим омон қолди. Пенсияга чиққач, алоқа соҳасида ишлаб бахтимни – кўпгина ёр-дўстларни топдим, десам муболаға бўлмайди. Ҳавас қилгудек аҳил-иноқ жамоада ишладим. "Хоразм Телеком" раҳбарияти ва ходимлари бизларни унутмай ҳолимиздан хабар олиб турганларига мингданминг раҳмат. Илоҳим, барчаси менинг ёшимга кириб, пиру бадавлат умр кўришсин.

Абдушариф ота барчага бахт-саодат ва ўзи сингари невара-чеваралар ардоғида доимо соғ-саломат юришларини тилади.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти

Суратда: Абдушариф ота КАРИМОВ ҳамкасби **Зулфия БОБОЖОНОВА** ва набиралари даврасида.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми. Бошланиши 1- бетда.)

"Тошкент Телеком" филиали тармоқлар барқарорлигини таъминлаш ва махсус алоқа бўлими бошлиғи **Рафаил Фатихович КОТЛОБУЛАТОВ**, "Фарғона Телеком" филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси шаҳарлараро телефон тармоғи цех бошлиғи **Юнусали ЭЛМУРОДОВ**, "Сирдарё Телеком" филиали Боёвут туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Раим Таджиевич МАРКАЕВ**, "ТШТТ" филиали Янгиобод телефон боғламаси 98-АТС линия-кабел иншоотлари муҳандиси **Нишон Носирович САИДАЗИМОВ**, "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали ходимлар бўлими бошлиғи **Карима Ширалиевна УБАЙДУЛЛАЕВА**, "Сурхондарё Телеком" филиали Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Азамат Муҳаммадиевич САТТАРОВ**, "Навоий почтаси" АЖ Кармана шўъбаси бўлими оператори **Зебо Муртазоевна МУСТАФОЕВА**, "Андижон почтаси" АЖ Оқолтин почта шахобчаси директори **Бекмирза Тиркашевич ТИРКАШЕВ**, "Самарқанд почтаси" АЖ Пайшанба почта шўъбаси "Мўминхўжа" алоқа бўлими бошлиғи **Тоҳир Ғуломович ШОДИЕВ**, "Тошкент почтаси" АЖ Паркент филиали "Шампан" АБ хат ташувчиси **Ахматхўжа АСҚАРОВ**, "Матбуот тарқатувчи" АК обуна бўлими етакчи мутахассиси **Гулчеҳра Вильевна ҲАЙДАРОВА**, "Матбуот тарқатувчи" АК юк ташувчиси **Абдусаттор Фаттахович АБДУЛЛАЕВ**, Давлат алоқа инспекцияси ахборот-коммуникация технологиялари бўлими 1-тоифали техниги **Трофим Яковлевич МАЛАХОВ**, Давлат алоқа инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими катта инспектори **Азат Ибрагимович КАРИМОВ**, Давлат алоқа инспекцияси меъёрий ҳужжатлар бўлими бошлиғи **Мавлюда Мухамеджановна ВАЛИЕВА**, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази метрология бўлимининг бошлиғи **Бойсеит Сайфуллаевич ЎТАБОЕВ**, "ЎзПАК" Маълумотлар узатиш давлат тармоғи корхонаси, Андижон вилоят участкасининг бошлиғи **Холдарали Мамасолиевич ҲАЙДАРОВ**, "Алоқаинвест" АЖ Андижон Алоқа кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи **Юлдашали Исроилович ЖЎРАБОЕВ**, "Алоқаинвест" АЖ Хоразм Алоқа кўчма механизациялашган колоннаси монтёри **Нурмат ОЛЛОБЕРГАНОВ**, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК Наманган вилояти махсус алоқа боғламасининг бошлиғи **Лидия Павловна ЛУКАШ**, Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази техник бўлимининг 1-тоифали муҳандиси **Нина Алексеевна КРУГЛОВА**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг Хоразм радиотелевизион узатиш маркази директори **Ҳўжабой Ражабович МАТКАРИМОВ**, Электромагнит мослашув маркази Қорақалпоғистон Республикаси электромагнит мослашув хизмати бошлиғи **Амиракул Аннакулович ШАМУКУЛОВ**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ташкилий сафарбарлик бўлими бошлиғи **Андрей Николаевич МАРИН**, Тошкент ахборот технологиялари университети Радиотехник тизимлар кафедраси доценти **Борис Александрович РОМАНЕНКО**, Тошкент ахборот технологиялари университети АТС мудири **Александр Иванович КОЧЕРГА**, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси **Салиазим Саидаминович АҲМЕДОВ**, "Ўздунробита" қўшма корхонаси бош иқтисодчиси **Дмитрий Владимирович ПЕТРОВ**, "COSCOM" қўшма корхонаси радио кичик тизими тармоқ менежменти бўлимининг етакчи муҳандиси **Глеб Святославович ПАНКОВ**, "Камалак-ТВ" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси транспорт бўлими ҳайдовчи-монтажчиси **Ниматжон ИРГАШЕВ**, "ДЭУ Юнител Компани" ШК техник департаменти менежери **Ғайрат Галиевич ГАБЗАЛИЛОВ**, "ЎЗМАКОМ" қўшма корхонаси техник бошқармасининг етакчи муҳандиси **Игорь Иванович ПРЕОБРАЖЕНСКИЙ**, "Узсвязьспутник" Ўзбекистон-Россия қўшма илмий-ишлаб чиқариш корхонаси менежери **Владимир Васильевич КИРИЛЕНКО**, Агентлик иқтисодий истиқболни белгилаш, таҳлил ва тарифлар бўлими бошлиғининг ўринбосари **Шаиста Мирҳамидовна САГАТОВА**лар Агентликнинг **"ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ"** билан; "Қорақалпоқ Телеком" филиали Тахиатош телекоммуникациялар тармоғининг техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси **Раҳима Мамбеткаримовна БАЛТАБАЕВА**, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали 5-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси 6-даражали линия-кабел цехи электромеханиги **Шавкат Магдиевич УСМАНОВ**, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали 2-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи **Ином Кенджаевич ИРМАТОВ**, "Қашқадарё Телеком" филиалининг АМТС муҳандиси **Бойназар Валиевич ҒАНИЕВ**, "Сирдарё Телеком" филиали Янгиер шаҳар телекоммуникация боғламаси автоматлаштирилган тармоқ цехи муҳандиси **Владимир Данилович ПОЛТАРЕВ**, "Ўзбектелеком Интернейшнл, МЧЖ" ҚК "ЎЗИ-Қарши" филиали 25-АТС 5-даражали кабелчиси **Низомиддин Зайнитдинович ШОНАЗАРОВ**, "Ўзбектелеком Интернейшнл МЧЖ" ҚК "ЎЗИ-Самарқанд" филиали 34-АТС 4-даражали электромонтёри **Эркин Негматович ШАРИПОВ**, "Бухоро Телеком" филиали Бухоро тумани телекоммуникациялар боғламаси 6-даражали кабел-пайвандловчиси **Чолимурат Генжимович КОМЕКОВ**, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали диспетчерлик хизматининг катта диспетчери **Талипбай Садикович БАТИРБЕКОВ**, "Қашқадарё почтаси" АЖ Қарши почта ишлаб чиқариш цехига қарашли 3-сонли алоқа бўлими бошлиғи **Муҳаббат Негматовна ТЕМИРОВА**, "Жиззах почтаси" АЖ Учтепа филиали Токчилик алоқа бўлими бошлиғи **Насиба Пайзикуловна БАДАЛОВА**, "Қорақалпоқ почтаси" АЖ Тахиатош филиалининг пенсия бўлими бошлиғи **Алина Захаровна ЕРМАКОВИЧ**, "Матбуот тарқатувчи" АК чакана савдо ташкилотчиси **Худайберди ЧИНАЛИЕВ**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг Бухоро Радиотелевизион узатиш маркази Қоровулбозор РТС муҳандиси **Анвар Рўзиевич РУСТАМОВ**, РРТМ Қорақалпоқ Радиотелевизион узатиш марказининг Чимбой 45-РРС муҳандиси **Шарипбай Шарибаевич АЙЕКЕЕВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети "Электр занжирлари назарияси" кафедраси мудири, доцент ўқитувчиси **Михаил Михайлович ЗЕЛИНСКИЙ**, "Алоқаинвест" АЖ Жиззах Алоқа кўчма механизациялашган колоннаси компрессорчиси **Ҳотам АБДУЛЛАЕВ**, "Республика махсус алоқа боғламаси" давлат унитар корхонасининг смена бошлиғи **Анвар Алиходжаевич АҒЗАМОВ**, Электромагнит мослашув маркази — Хоразм вилояти электромагнит мослашув хизматининг биринчи тоифали муҳандиси **Ниязматбой Султонович ЖУМАНИЯЗОВ**, "COSCOM" қўшма корхонаси коммутаторларни эксплуатация қилиш бўлимининг катта муҳандиси **Дмитрий Геннадиевич СЕЛЕЗНЁВ**, Агентликнинг биринчи тоифали машинисткаси **Элвира Исмаиловна АЛИЕВА**лар Агентликнинг **"ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ"** белгиси билан тақдирланишди.

Мукофотлар муборак, азиз ҳамкасблар!

YAXSHILAR YODI

ЯХШИЛАР МАЁҒИ ЎЧМАГАЙ

Шундай кишилар борки, жамият ривожи учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қиладилар. Ишда, ҳаётда ўрнак кўрсатиб фарзандларининг ҳам комил инсонлар бўлиб етишишга замин яратишади. Неъмат Абдуллаев ҳам элим, юртим, деб яшаб, одамлар бахт-саодати йўлида камарбаста бўлган инсонлардан эди. Шу сабабли бу инсон ҳамқишлоқлари, ҳамкасб дўстлари ва сафдошлари хотирасида абадий ўчмас маёқ бўлиб қолган.

Неъмат Абдуллаев "Қашқадарё почтаси" АЖнинг Косон филиали "Алачабоб" почта алоқаси бўлимида хизмат қилиб ҳурмат қозонган. Самарали меҳнатлари туфайли оддий почтачиликдан алоқа бўлими бошлиғи вазифасигача кўтарилган. Айтиш жоизки, у бошқарган алоқа бўлими ишни режа асосида ташкиллаштириш, тартиб-интизом, ўрнак олса арзийдиган иш услублари билан ажралиб турарди. Неъмат ака табиатан хушмуомала, камтар бўлиш билан бирга ўз ишига сидқидилдан ёндашар ҳамда қўл остидаги ходимлардан ҳам шуни талаб этарди. Шу боис пенсия, хатхабар ва газета-журналларни тарқатиш юзасидан ҳеч бир киши норози бўлмаган.

Неъмат аканинг эски почта алоқа бўлими биноси ўрнида янгисини қуриш борасидаги ҳаракатлар ҳам зое кетмаган. Елиб-югуриб қишлоқнинг қоқ ўртасида кўзни қувнатадиган бинонинг барпо этилишида унинг хизматлари каттадир. Бу алоқа бўлими биноси ҳозир ҳам қишлоққа ўзгача кўрк бахш этиб турибди. Шунингдек, қишлоқ алоқа бўлимида сартарошхона, телевизор, радио тузатиш ва пойафзал таъмирлаш устахоналарини ташкил этганки, бу ишлар бундан 15-18 йил олдин ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, десак асло муболаға эмас. Неъмат ака асос солган бу савобли ишлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ушбу почта алоқаси бўлими атрофига назар солсангиз, ўзингизни жаннатмонанд боққа келиб қолгандек ҳис қиласиз. Турли мевали ва манзарали дарахтлар дид билан экилган. Бу ерда дам олувчилар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Гўёки маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган истироҳат боғидек таассурот қолдиради кишида.

Неъмат Абдуллаев ишлаган қишлоқларда бўлиб, ҳамкасблари билан суҳбатлашсангиз уларнинг дил сўзлари қанчалар ҳаётий эканлигига амин бўласиз.

— Неъмат ака ўз ишини виждонан бажариб, белгиланган режаларни доимо ошириб адо этарди, — дейди Косон филиали директорининг муовини Дониёр Раимов. — У бошчилик қилган почта алоқаси бўлими барча жабҳаларда биринчи ўринда бўлган. Мукофотлар, фахрий ёрлиқларга кўпинча шу бўлим тавсия қилинарди. Айни пайтда шогирдлари унинг ишларини давом эттиришяпти. Неъмат аканн доимо эслаймиз, ишидан ўрнак олиб яшаймиз. Илоҳим, у кишининг охирати обод бўлсин!

Исроил УСМОНОВ – қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори:

— У инсоннинг номи барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олган. Бир кишининг хизмати шунчалар бўлар. Қишлоқ фуқаролар йиғини почта алоқаси бўлими ҳам "Алачабоб" деб аталади. Энди бундай ўйлаб кўрилса, ҳаётда ўз соҳаси бўйича фидойи бўлган кишилар номини абадийлаштириш керак. Бундай ишлар кўплаб бўлғпти. Почта соҳасида кўп йил ишлаб, обрў-эътибор орттирган Неъмат Абдуллаев номини абадийлаштириш вақти келди, — деб ўйлайман. —Почта алоқа бўлимига у кишининг номи берилса, нур устига аъло нур бўларди.

Ҳаким ЭЛМИРЗАЕВ: "Алачабоб" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби:

— Кўприк қуриш, дарахт экиб, боғ яратиш савоб амаллардан ҳисобланади. Неъмат Абдуллаев ана шундай эл дуосини олган, жаннати инсон эди. Қанийди, алоқа бўлимига Неъмат Абдуллаев номи берилса. Бу фақат савоб, эзгу иш бўларди.

Ҳа, ҳаётда ўз ўрнини қолдирган кишиларга нисбатан фақат шундай самимий сўзларни айтиш мумкин. Бундай кишилар одамлар хотирасида абадий яшайверадилар.

Баҳром МУРОДОВ
Қашқадарё вилояти

ALOQA OLAMIDA

САРАТОН ТЎҚИМАЛАРИНИ ЙЎҚОТУВЧИ БИОЛОГИК КОМПЮТЕР



Исроил олимлари саратон тўқималарини ўлдирувчи дунёдаги энг кичик тиббиёт компютерини (шунчалик кичикки, миллионлаб бундай компютерлар бир томчи сувга жойлашиши мумкин) яратди.

Ушбу технология ҳали фақат лаборатория шароитида ўзини оқлаган бўлсада, тирик организм ичида ҳаракат қила оладиган, касалликнинг илк кўринишларини аниқлаб, уни даволай оладиган нанотехнологик тиббиёт ускуналарини яратиш орзусини амалга ошириш учун яна бир қадамдир.

Вайзман институти компютерчиси Ехуд Шапиро ва унинг ҳамкасблари маълум қилишича, уларнинг биомолекуляр компютери ўзида ДНК ҳисобига ишлайдиган автоном механизмни жамлаган бўлиб, тўқималар ичида генларнинг шаклланишига тасир ўтказа олиши мумкин.

Қатор лаборатория синовлари давомида компютер саратон молекулаларини аниқлаб, унинг тўқималарини йўқотган ва ДНК ёрдамида даволаган.

Ушбу ихтиро дунёдаги энг кичик компютер сифатида Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киришга ҳам улгурди.

– Орзуларимиз тўлиқ амалга ошиши учун анча вақт керак бўлади, балки бунга ўн йиллаб кетиши мумкин, – дейди профессор Шапиро. – Бироқ икки йил аввал ҳам бугун эришган натижамизга ўн йиллаб вақт кетишини башорат қилган эдик.

Профессор Шапиро ускунаси 2001 йили яратилган биологик компютер асосида қурилган. ДНК коди ҳаётнинг "дастурий таъминотини" ўзида жамлаган. У катта миқдордаги ахборот захирасига эга ва унда ҳар бир тўқима учун операцион тизим дастурлаштирилган.

Биринчи биологик компютерлардан математик ҳисоб-китоб учун фойдаланиларди. Бироқ Вайзман институти жамоаси ундан тиббиёт оламида самарали фойдаланиш мумкинлигини исботлашди.

Motorola

КЕЛАЖАККА УМИД БИЛАН ҚАРАМОҚДА

Motorola компанияси 2004 йилнинг биринчи чорагида 25,3 млн. дона уяли телефон аппарати сотганлигини маълум қилди. Бу савдонинг 50 фоизга, даромаднинг эса 70 фоизга ўсганини англатади.

Компания кучсизроқ рақобатчилар фаолият юритаётган бозорда иш олиб боришни маъқул кўрмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

– Эндиги асосий мақсад телекоммуникациялар тизимида етакчилик қилаётган бошқа йирик компанияларга муносиб қаршилик кўрсатиш ва уяли телефонлар савдоси бўйича ўтган асрнинг 90-йилларида бўлгани каби пешқадамликни қўлга олишдан иборатдир, – дейилади компаниянинг махсус сайтида.

ТЕЛЕВИЗОР ИНСОННИ ТУШУНАДИ

Унчалик ҳам йирик бўлмаган AgileTV компанияси билан ҳамкорликда Motorola кабел телевидениеси учун мўлжалланган ўзининг мултимедиали DCT2000 русумли телевизор жиҳозини яратди. Унинг асосий жиҳати овоз орқали бошқарилишида. Уни ишга солиш учун хонада жар солиб ҳайқиришнинг ҳожати йўқ. Масофадан бошқариладиган пултга ўрнатилган микрофон орқали бу муаммони ҳал этиш мумкин.

Янги дастурли ускуна бир неча тилдаги 100 мингга яқин сўз ва ибораларни тушуна олади. Унинг сотувдаги нархи ҳозирча 150 АҚШ доллари ҳисобида баҳоланмоқда.

SOHAMIZ FIDOYILARI

БИР ЙИГИТ УМРИ...

Абдураҳмон Абдуҳамидовнинг номи нафақат сирдарёлик, балки бутун республикамиз алоқачиларига жуда яхши таниш. Барваста, қадам ташлашлари шаҳдам бу инсоннинг алоқа соҳасига кириб келганига ҳам қирқ йилдан ошибди. Йиллар силсиласи Абдураҳмон акани ишнинг кўзини биладиган, ташкилотчи, жонкуяр инсон қилиб етиштирди.

Инсоннинг ҳаёт йўли доим бир текис бўлмайди. Тақдири азалнинг турли синовлари олдида эсанкираб қолмасдан фақат олдинга интилганларгагина толе кулиб боқади. 1982 йили Сирдарё вилояти алоқа корхонаси раҳбарияти Абдураҳмонга катта ишонч билдириб, Янгиер шаҳар алоқа корхонасига раҳбар этиб тайинлади. Ўшанда почта ва электр алоқаси битта корхона тизимида фаолият кўрсатарди. Чўл бағрида эндигина қадди-бастини тиклаётган Янгиерда чўлни ўзлаштираётган турли ташкилотлар ихтиёрида бўлган олтита коммутатор тарқоқ ҳолда иш олиб борар, алоқа хизмати ҳам ночор аҳволда эди. Алоқа корхонасининг янги раҳбари олдида шаҳарда марказлашган ягона алоқа тизимини шакллантириш, аҳоли ва ташкилотларга намунали алоқа хизмати кўрсатишни йўлга қўйишдек муҳим вазифа турарди.Билим ва маҳорати, "Шаҳарлараро алоқа қурилиш" трестидаги меҳнат фаолияти давомида ҳамда Сирдарё вилояти алоқа механизациялашган кўчма жамланмасига етакчилик қилган вақтларида орттирган тажрибалари Абдураҳмоннинг зўр иштиёқ билан иш бошлашига асос бўлди. Ригадан 1500 ҳажмли АТСни келтириб, жамоаси билан биргаликда қисқа муддат ичида ишга туширганда кўпчилик унинг ғайратига қойил қолди. Шундан кейин Ховос қўрғонида янги АТС биноси қурилиб, Уфа шаҳридан олиб келинган 400 рақамли АТС фойдаланишга топширилди.

Ёзнинг жазирамаси-ю, баҳор ва кузда Бекобод шамолларини писанд қилмай яшаётган янгиерликларнинг алоқа хизматига талаблари ҳамиша баланд. Абдураҳмон Абдуҳамидов эътиборни шунга қаратиб, хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик ришталарини боғлади. Республикамизда биринчилардан бўлиб Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларига Жанубий Кореянинг "DTS-2000" русумидаги электрон рақамли станциялари келтириб ўрнатилди. Абдураҳмон ака ҳам тўрт нафар ҳамкасблари билан Жанубий Кореяда бўлиб, замонавий АТС имкониятлари билан танишди, шу АТСларнинг Янгиерда ҳам ўрнатилиши ва ишга тушишида бош-қош бўлди. Шундай қилиб, янгиерликлар телефон орқали дунёнинг исталган мамлакати билан боғланиш имконига эга бўлишди. Телефон сўзлашувларидаги узилишлар, бу борадаги шикоятлар сони ҳам анча камайди. Ҳозирда корхонанинг 6280 нафар мижози бор. Ўз хонадонига телефон ўрнатиш ҳақида ариза билан мурожаат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Бу талаблар ҳам имкон қадар қондириб борилмоқда.

— Линия-кабел хўжалигимизни кенгайтиришимиз зарур, — дейди Янгиер шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Абдураҳмон Абдуҳамидов. — Бу йилги бизнес-режамизга шу муаммони ечишни вазифа қилиб киритганмиз. Аҳоли телефон хизмати тўловларини ўз вақтида тўлаб бормоқда. Аммо корхона ва ташкилотлардан кўрсатилган хизмат ҳақини ундиришимиз қийин кечяпти.

— Телефонда сўзлашаётганингизда қисқа, лўнда гапирар экансиз, — дедим гап орасида, — бу одатми ёки...

— Баъзи юртдошларимиз телефонда соатлаб сўзлашишади, — дея жавоб берди Абдураҳмон ака. — Алоқанинг бу тури муҳим хабар, ахборот ёки маълумотни етказиш учун хизмат қилиши керак. Бунинг устига кўпчилигимиз телефонда сўзлашиш одоби ва маданиятини ҳам яхши билмаймиз. Шу боис бир-биримизнинг вақтимизни оламиз, шаҳарлараро сўзлашувлар учун ортиқча сарф-харажат қиламиз. Соатлаб гапириб, телефон линияларидаги боғланишларга халақит берамиз, АТС ускуналарини зўриқиш билан ишлашга мажбур қиламиз. Бундай ҳолатга ёмон одат сифатида қарашимиз ва бу каби нуқсонлардан воз кечишимиз даркор.

Абдураҳмон Абдуҳамидов боғламадаги 71 нафар ишчи-ходимнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, нафақадаги фахрийларнинг ҳолидан хабар олишни асосий юмушларидан бири, деб ҳисоблайди. Меҳр ва мурувват йилининг дастлабки ойиданоқ кам таъминланган икки нафар оиланинг уйига телефон бепул ўрнатилди. Бу каби эзгу ишларни йил давомида амалга ошириб бориш режалаштирилган.

Вақт қутиб турмайди. Ўзининг лаҳзалари, кунларию йиллари билан умримиз саҳифаларига ўз муҳрини қўйиб боради. Бир-бирини қувиб ўтган йиллар Абдураҳмон акани ажойиб оила соҳибига айлантирди. Қизи Саида ва ўғли Жамшид вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилишмоқда. Саиджон эса ота касбини давом эттирмоқда.

... Соҳа заҳматларини тотиб ўтказилган қирқ йилдан зиёд вақт. Бу айни қирчиллама қирқ ёшдаги йигит умрига тенг муддат. Қайтиб келмас, аммо завқию шавқи асрларга татигулик ана шу йилларнинг қадрини билиб яшаш ҳам аслида бир бахт. Алоқачилик касби ортидан кўплаб ёру дўстлар, обрў-эътибор топган Абдураҳмон Абдуҳамидов ҳам умр дея аталмиш улуғ иноятнинг қадрини яхши биладиган саодатли юртдошларимиздан биридир.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
Сирдарё вилояти

"АЛОҚАБАНК"
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан
барчангизга меҳр-оқибат, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қолади.

Доимо ўтганларни ёд этиб, аждодлар руҳига ҳурматда бўлайлик.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Агентлик томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида Навоий вилояти ҳудудида JBIC лойиҳаси асосида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойигача вилоятда беш йўналиш бўйича 389 км. узунликда оптик толали кабел ётқизилиб, 70 дона муфта монтаж қилинди. Нурота телекоммуникациялар боғламасида эса Кармана-Нурота йўналишида оптик толали алоқа кабели ётқизилиб, Қалқонота, Роғзгон қўрғонлари аҳолиси учун янги шаклдаги замонавий рақамли станцияларни ишга тушириш мўлжалланган.

Нурота тумани вилоятнинг қадимий зиёратгоҳ жойларидан биридир. Бу ерга чет эллик меҳмонларнинг ҳам ташрифи кундан кунга ошиб бормоқда. Шу сабабли туман марказида "Ҳуавей" компаниясининг янги типдаги C&C-08-RSA рақамли станциясининг ишга тушиши барчага қулайлик яратади. Туман марказида 1500 сиғимга, Роғзгон ва Қалқонота қўрғонларида 500 сиғимга эга бўлган рақамли телефон станцияларининг ўрнатилиши қисқа муддатда сифатли тугатилди. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда қурилиш ташкилотларининг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Янги рақамли станциянинг ишга туширилиши мижозлар учун қулайлик яратиш билан бирга, телекоммуникациялар боғламасининг ишчи-техник ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Нурота ва Навбаҳор телекоммуникациялар боғламаси жамоалари белгиланган талаб ва шартлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида ишни ташкил этиш орқали истеъмолчиларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишга эришмоқдалар.

Ғофуржон ОРЗИҚУЛОВ,
Навоий вилояти ДАИ бошлиғи

"ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ" ЖАМОАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Доцентлар:

Физика — 1.

Катта ўқитувчилар:

Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1,
Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1,
Чет тиллари — 1,
Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари — 1,
Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Антенна-фидер қурилмалари — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Тел: 138-64-06.

Ўлган кишиларингизни яхшиликларини гапиринглар, ёмонликларини гапирманглар.

Uzpak ЖАМОАСИ

"ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ" ОАЖ 2003 ЙИЛ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТИ

Маълумотноманинг тартиб рақами 5: "Ўзбекистон маркаси" ОАЖ акциядорлари Умумий йиллик йиғилишида 2003 йил учун дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жами акциялар сони 4400 дона.
Ҳамма акциялар оддий.
1 акция учун дивиденд миқдори 510,29 сўм.
Тўлов тури — пул маблағлари.
Тўловлар қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилсин.

Маълумотноманинг тартиб рақами 9: Умумий йиллик йиғилиш "Ўзбекистон маркаси" ОАЖ биносида 81,3 фоиз кворум билан 2004 йил, 27 апрелда ўтказилди. Умумий йиғилиш ўтказиш услуби — очиқ.

Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар:

1. "Ўзбекистон маркаси" ОАЖ 2003 йил учун иш якунлари қониқарли деб қабул қилинсин. 2004 йил учун жамиятнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари тараққиёти инобатга олинсин.

2. 2004 йил учун бизнес-режа тасдиқлансин.

3. Корхона директорини 1 йил муддат билан ишга ёллаш бўйича шартнома қайта тузилсин.

4. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йил учун иши қониқарли деб қабул қилинсин. Кузатув Кенгаши янги таркиби тасдиқлансин.

5. 2003 йил учун баланс ва аудиторлик текшируви натижалари тасдиқлансин. 2004 йил якуни бўйича молиявий фаолияти текшируви учун "Аломат-Аудит" фирмаси тасдиқлансин.

6. 2003 йил соф фойдасини тақсимлаш қуйидаги тартибда тасдиқлансин: дивидендлар (15 фоиз) — 2245,3 минг сўм;
резерв фонди (5 фоиз) — 748,4 минг сўм;
корхона ривожланиши (80 фоиз) — 11974,7 минг сўм.

7. Дивидендлар тўлови амалга оширилсин:
Давлат улуши (35 фоиз) — 785,85 минг сўм;
"Ўзбекистон почтаси" ДАК улуши (40 фоиз) — 898,12 минг сўм;
"ФОЙКОН" ИФ улуши (15 фоиз) — 336,79 минг сўм;
Жисмоний шахслар улуши (10 фоиз) — 224,53 минг сўм.
Дивидендлар тўлови қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида амалга оширилсин.

8. "Ўзбекистон маркаси" ОАЖ Тафтиш ҳайъатининг молиявий фаолият бўйича текширув далолатномаси тасдиқлансин.

9. Кузатув Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тасдиқланган "Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низом" асосида амалга оширилсин.

Ушбу масалалар юзасидан қарорлар бир овоздан қабул қилинди.

"Ўзбекистон маркаси" ОАЖ
Кузатув Кенгаши

ДЕНЬ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТЕЙ

ЧТОБЫ ПОМНИЛИ

***Приближается** славное 50-летие Ташкентского электротехнического института связи (ТЭИС)-ныне Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ). Главным фактором, определившим успешную деятельность института, его популярность — не только в Узбекистане, но и далеко за его пределами — были педагоги, сочетающие в себе как прочные знания в динамически развивающейся отрасли – связи, так и умение передать свои знания все новым и новым поколениям студентов, прошедших учебу в ТЭИС. Среди этих педагогов заметную роль играла недавно скончавшаяся Маргарита Георгиевна ВАСИЛЬЕВА, посвятившая институту всю свою трудовую жизнь.*

Она родилась в г. Фергане, окончила в 1957 году Ленинградский электротехнический институт связи (ЛЭИС)-ныне Санкт-Петербургский государственный университет телекоммуникаций. После окончания института по направлению приехала на работу в ТЭИС и начала свою трудовую деятельность на кафедре дальней связи (ныне кафедра телекоммуникационных систем передач) в должности ассистента. В 1962 году она была направлена в целевую аспирантуру Московского электротехнического института связи (МЭИС)-ныне Московский технический университет связи и информатики, которую успешно окончила в 1965 году.

С этого года молодой кандидат наук начала работать на кафедре радиоприёмных устройств (РПрУ), пройдя должности ассистента, старшего преподавателя, доцента. С 1967 по 1979 годы была деканом заочного факультета ТЭИС, а в 1975 году занимала должность проректора института по учебной работе. Все эти годы она продолжала преподавать. С 1979 года по 1989 год была избрана по конкурсу на должность заведующей кафедрой РПрУ и затем до конца жизни проработала в должности доцента на этой же кафедре.

Маргарита Георгиевна была руководителем ряда крупных хоздоговорных работ с ведущими научными учреждениями городов Москвы и Ленинграда по вопросам надёжности радиоэлектронного оборудования, защиты информации, разработки функциональных устройств радиоаппаратуры. Она опубликовала более ста научных трудов и статей по радио и электросвязи в солидных технических журналах, получила несколько авторских свидетельств и патентов. Под её руководством 6 соискателей успешно защитили кандидатские диссертации. Ею подготовлено значительное количество инженеров, бакалавров и магистров, у которых она была руководителем дипломных, выпускных квалификационных работ и диссертаций.

Особую роль Васильева занимала в институте и как признанный специалист в области методической работы. Была председателем научно-методического совета факультета радиосвязи, радиовещания и телевидения, а также заместителем председателя научно-методического совета института. Она успешно проводила работу с одаренными студентами по углубленной подготовке специалистов, умела выявлять их способности и наклонности к научной и творческой работе. Ею подготовлен ряд работ по дистанционному обучению студентов. По её методическим пособиям в настоящее время ведутся разработки и оформление магистерских диссертаций и выпускных квалификационных работ.

Немалый вклад Маргарита Георгиевна внесла в общественную жизнь города Ташкента, будучи депутатом Кировского (ныне Юнусабадского) райсовета, а в 70-х годах — как член комиссии по выборам в местные и Верховный Советы.

На каких бы должностях ни была М.Г.Васильева она всегда проявляла себя как знающий специалист и прекрасный человек, добрый, светлый и абсолютно порядочный. Коллеги вспоминают, что Маргарита Георгиевна никогда не отказывала никому в помощи при решении возникших проблем в научной и педагогической деятельности и делала это всегда умно, с большим человеческим тактом. Многие поколения ее выпускников всегда видели в ней мудрого наставника

и говорили, что благодаря ей они поняли в свое время что-то важное для себя в технике связи и всегда трепетно относились к ней как к преподавателю, одновременно видя в ней и учителя по жизни. Ее по-человечески всегда любил весь коллектив института.

За большие заслуги в области высшего образования и подготовки специалистов электросвязи она была награждена Почетной грамотой Президиума Верховного Совета Узбекистана, знаком "За отличные успехи в работе" Минвуза СССР, медалью "Ветеран труда" и множеством Почетных грамот. В 2003 году ей было присвоено звание "Мастер связи" Узбекистана.

Мы верим, что светлая память о Маргарите Георгиевне Васильевой будет вечно жить в сердцах многих поколений связистов не только в нашей республике, но и за ее пределами.

Искандар БЕРГАНОВ,
Александр ВИШНЕВЕЦКИЙ,
первые выпускники ТЭИС, доценты

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ДОМАШНЕЕ ЦИФРОВОЕ РАДИО

HomePOD — первое устройство, созданное на базе перспективной медиаплатформы GLOO Labs. Подобно обычному радио встроенный в этот приемник адаптер стандарта WiFi позволяет принимать потоковое аудио с других устройств. HomePod справляется и с интернет-радиостанциями, в том числе работающими на ShoutCAST (бесплатный WinAmp-плагин для потокового вещания, разработанный компанией NullSoft).

Источник: http://compulenta.ru

СООБЩЕНИЯ НА МОБИЛЬНОМ МОЖНО ЧИТАТЬ ПАЛЬЦАМИ

Германские специалисты нашли способ читать приходящие на мобильный телефон текстовые сообщения пальцами.

Они создали мобильный телефон, на поверхности которого расположены небольшие штырьки, которые начинают двигаться при прикосновении к ним пальцев.

Это, по словам ученых из Боннского университета, позволяет читать sms методом «осязаемой мелодии». Экспериментальная модель такого телефона была представлена на промышленной выставке в Ганновере. Работа по разработке технологии длилась четыре года.

Источник: http://news.bbc.co.uk

WCG 2004 Uzbekistan Preliminary

SAMSUNG ELECTRONICS

WCG WORLD CYBER GAMES

www.wcg.uz

О регистрации участников и о клубах в Ташкенте будет сообщено отдельно

Регламент проведения:

- с 15 по 28 мая - регистрация участников
- 29-30 мая - отборочный турнир в г. Бухаре
- 5-6 июня - отборочный турнир в Самарканде
- 12-13 июня - отборочные турниры в Фергане и Намангане
- с 22 по 26 июня - отборочный турнир в Ташкенте
- 2 июля - национальный финал WCG 2004 Uzbekistan Preliminary
- 3 июля - церемония награждения
- октябрь 2004 года - Всемирный финал Grand Final WCG2004 в Сан-Франциско (США).

Клубы в областях

г. Фергана*
Клуб Saytex
Адрес: ул Т. Комбарова Марифат, дом 45, корпус 5
Тел: (8-3732) 24 81 36, 24 29 68, 24 79 59
E-mail: info@saytex.uz
*играют геймеры из Андижана

г. Бухара*
Клуб game zone
Адрес: микрорайон 6, ул Фароби, дом 30
Тел: (8-365) 222 14 72
E-mail: game-zone-6m@rambler.ru
*играют геймеры из Навоийского, Хорезмского, Кашкадарьинского вилоятов и из Каракалпакстана

г. Наманган*
Клуб «Сардоба»
Адрес: ул. Навои, дом 4
Ориентир: возле рынка «Сардоба»
E-mail: zahidjon7777@mail.ru
*играют геймеры из Андижана

г. Самарканд*
Клуб NEO
Адрес: ул. Мирзо Улугбека, дом 34
Тел: (8-3662) 33 42 40 www.bionix.tk
*играют геймеры из Сурхандарьинского, Джизакского вилоятов

Официальные игры WCG 2004 Uzbekistan Preliminary:

WarCraft® III::Frozen Throne	игроки старше 13 лет
StarCraft®: Brood War™	игроки старше 13 лет
Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero	игроки старше 17 лет
Unreal™ Tournament 2004	игроки старше 17 лет
Need for Speed: Underground	возраст не ограничен.

WCG 2004 Uzbekistan Preliminary

SAMSUNG ELECTRONICS

WCG WORLD CYBER GAMES

www.wcg.uz

Регламент проведения:

- с 15 по 28 мая - регистрация участников
- 29-30 мая - отборочный турнир в г. Бухаре
- 5-6 июня - отборочный турнир в Самарканде
- 12-13 июня - отборочные турниры в Фергане и Намангане
- с 22 по 26 июня - отборочный турнир в Ташкенте
- 2 июля - национальный финал WCG 2004 Uzbekistan Preliminary
- 3 июля - церемония награждения
- октябрь 2004 года - Всемирный финал Grand Final WCG2004 в Сан-Франциско (США).

Клубы в г.Ташкенте

Клуб Begim
WarCraft® III:Frozen Throne
Адрес: Юнусабад, 14 квартал, дом 62
Тел 125 09 52

Клуб Elite
StarCraft®: Brood War™
Адрес: Ул. Амира Темура, 1 (в музее Амира Темура)
Тел 132 02 07

Клуб Magic Touch
Unreal™ Tournament 2004
Need for Speed: Underground
WarCraft® III:Frozen Throne
Адрес: пр-т Космонавтов, дом 29-а
Тел 152 51 71

Клуб TransNet
Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero
Адрес: ул. Амира Темура, дом 2-а, блок "Е"
Тел 114 66 39

Официальные игры WCG 2004 Uzbekistan Preliminary:

WarCraft® III:Frozen Throne	игроки старше 13 лет
StarCraft®: Brood War™	игроки старше 13 лет
Half-Life™: Counter-Strike Condition Zero	игроки старше 17 лет
Unreal™ Tournament 2004	игроки старше 17 лет
Need for Speed: Underground	возраст не ограничен.

Регистрация производится только в тех клубах, в которых будет проводиться данная игра

ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ

НОВЫЙ ШТАММ PHATBOT

Согласно предупреждению, разосланному SANS Institute, в Сети появился новый вариант интернет-червя Phatbot, который в настоящее время атакует порты MS SQL Server. Как известно, первые копии Phatbot были зарегистрированы в Сети еще месяц назад, когда червь принялся атаковать компьютеры, работающие под управлением Windows, с целью объединения их в эдакую распределенную "спам-машину". Для проникновения на пользовательские системы червь сканирует TCP-порты с адресами 2745, 1025, 3127, 6129, 5000, 80 и 1433, а также систему NetBIOS компании Microsoft. Предположение о появлении нового варианта Phatbot было высказано экспертами SANS Institute после того, как была зафиксирована повышенная сканирующая активность на порте 1981.

Источник: http://nbsp.ru

РЕКОРД БЫСТРОДЕЙСТВИЯ

Рекорд, анонсированный на совещании членов Internet2 Spring 2004 в Арлингтоне (штат Вирджиния), состоит в передаче данных на расстояние около 11 тыс. км. со средней скоростью 6,25 Гбит/с. Это почти в 10 тыс. раз быстрее, чем по обычному домашнему широкополосному каналу. Сетевой канал, используемый для установления рекорда, соединяет Лос-Анджелес с Женевой (Швейцария). Internet2 — это союз более 200 университетов, которые вместе с ИТ-индустрией и госучреждениями трудятся над технологией Интернета нового поколения. Конкурс Internet2, который начался в 2000 году, открыт и продолжается. Его цель — выявить возможности исследователей по созданию максимально быстродействующей IP-сети, соединяющей два пункта.

Источник: http://nbsp.ru

ЮБИЛЕЙ

30 лет на службе телекоммуникаций

В эти дни Информационно-вычислительный центр филиала "TShTT" АК "Узбектелеком" отмечает свой тридцатилетний юбилей.

Создание Республиканского информационного вычислительного центра (РИВЦ) при Министерстве связи республики в 1974 году позволило связистам Узбекистана приступить к разработкам нового наукоемкого направления АСУ-связь. Концепция централизации расчетов за комплексные услуги связи и биллинг-центр ИВЦ, организованный в 1999 году, стали для Ташкентской городской телефонной сети центром разработки различных специализированных программных приложений для "TShTT" в области информационных технологий.

В 1997 году РИВЦ вошел в состав ТГПОТС и РФ (ныне филиал "TShTT" АК "Узбектелеком").

Возглавляет ИВЦ на протяжении последних 17 лет Бахтиер Мансурович АЛИЕВ. Сюда он пришел в 1974 году, работал в должности заведующего отделом технического обслуживания ЭВМ, заместителем начальника РИВЦ, главным инженером, в 1987 году назначен директором. В 2002 году Б.М. Алиеву было присвоено звание "Мастер связи".

Наш корреспондент встретился с ним и попросил ответить на ряд вопросов.

— Бахтиер Мансурович, что из себя представляет ИВЦ на сегодняшний день?

— ИВЦ является специализированным отраслевым предприятием с большим опытом работы в области создания информационных систем для предприятий связи. Проекты и разработки ведутся по широкому спектру задач — от организации автоматизированных рабочих мест до создания биллинговых систем и корпоративных сетей. При этом используются самые передовые технологии и современные программные продукты. Высокий профессиональный уровень специалистов и корпоративная преемственность обеспечивают и соответствующее качество проводимых работ.

— Биллинговая система — это новшество не только на вашем предприятии, но и в стране в целом. Расскажите об основных задачах, которые решаются в «TShTT» с ее внедрением.

—Биллинг предусматривает собой создание и ведение единой базы абонентов Ташкентской городской телефонной сети. Благодаря этой системе проводится учёт технических данных абонентов, контроль оплаты по выставленным счетам за услуги связи, формируется очередность на установку телефонов и т.д. Благодаря внедрению биллинговой системы упрощается процедура получения абонентом платежных документов по всем видам оказанных услуг (абонентская плата, повременная плата, плата за междугородные разговоры и дополнительные услуги). К тому же, экономится время абонентов при оплате за предоставленные услуги связи, т.к. оплату можно произвести в кассах любого телефонного узла или АТС, которые уже подключены к биллинговой системе. Все рабочие места кассиров автоматизированы, и они в любое время могут предоставить абонентам справочную информацию о произведенных платежах.

Требовательность абонентов к качеству услуг и расчетов непрерывки повышается. Поэтому основные требования к внедряемой биллинговой системе, продиктованные реалиями рынка, это:

- способность обеспечить переход от модели, ориентированной на продукты и услуги, к модели, ориентированной на потребителя и его потребности;
- управление ресурсами, телекоммуникационными услугами, бизнес-процессами;
- взаимодействие с абонентами при полной прозрачности оказания услуг и оплаты за них;
- мониторинг оказанных услуг, оплаты, дебиторской и кредиторской задолженности, качества оказания услуг.

Кроме того, внедрение биллинга позволило специалистам ИВЦ осуществлять разработку программного обеспечения по таким направлениям, как «Централизованный бухгалтерский учет», "Электронный документооборот", "Автобаза-склад", "Учет путевых листов", "Автоматизированный технический учет", "Автоматизированное бюро ремонта", "ЦАБР" и др.

— Известно, что ваша организация имеет собственную сеть передачи данных, спроектированную и построенную силами специалистов ИВЦ, на базе которой оказываются услуги Интернет.

— Учитывая современные тенденции развития телекоммуникационного рынка, а также резкое повышение спроса на новые виды услуг, "TOSHKENT ShAHAR TELEFON TARMOG`I", начиная с 2001 года, предлагает своим абонентам услуги сети передачи данных (СПД) и Интернет. С начала этого года Интернет-провайдер "TShTT" начал оказывать новую услугу — высокоскоростной выход в Интернет по технологии ADSL, который становится популярным и востребованным у нас в республике.

Выход в сеть Интернет осуществляется по собственному скоростному каналу. Для удобства подключения абонентов установлены модемные пулы в разных районах города. Это дает возможность быстрого соединения пользователей Интернет с сервером и обеспечивает качественный доступ к сети.

Ведётся постоянная работа по внедрению новых тарифных планов, позволяющих наиболее полно удовлетворять потребности клиентов. Предусмотрено льготное подключение к сети Интернет школ, лицеев, колледжей, высших учебных заведений г. Ташкента.

По желанию клиента ему могут быть оказаны дополнительные услуги, такие как создание Web-сайта, настройка почтового сервера, размещение рекламы, предоставление справочной информации и т.д.

У нас немало высококвалифицированных специалистов, которые непосредственно работают с клиентами и от которых зависит качество предоставляемых ИВЦ услуг. В их числе Агзамов Ф.С., Арифханов С.А., Умаров А.Т., Маркеев Ф.И., Горская С.В., Григоревская С.В., Журавлев С.А., Минаров А., Палагина Л.А., Шайхетдинова К.К., Баширова Н.Р. и многие другие.

— На сегодняшний день у нас и вообще во всём мире очень большое внимание уделяется защите информации. Какая работа ведется в этом направлении на ИВЦ?

— Да, действительно, современное общество находится на пике информатизации, и с каждым днём вопросы защиты информации становятся все актуальнее. Поэтому и у нас этой проблеме уделяется пристальное внимание. Ведь в нашей корпоративной сети идёт постоянный обмен важной информацией, а система "Биллинг" ежедневно обрабатывает данные, достигающие сотен и более мегабайт информации.

На сегодняшний день наши специалисты выдвигают ряд новых предложений по обеспечению безопасности. После рассмотрения ряда оптимальных решений был сделан вывод, что наиболее эффективными являются программно-аппаратные решения, которые стали широко применяться на ИВЦ.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида таваллуд топган қаҳрамонимиз 1981 йили пойтахтдаги ўрта мактабларнинг бирини битирди. Айтиш керакки, унда ҳайдовчиликка ҳавас болалик даврларидаёқ пайдо бўлганди. Ким билсин, балки сершовқин шаҳар ҳаёти бу иштиёқнинг янада алангаланишига сабаб бўлгандир. "Интилганга толе ёр", деб бежиз айтишмайди. Хуллас, орадан йиллар ўтди, ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритган Гўзал опа фаолиятини 1990 йили Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг юк машинасини бошқаришдан бошлади. Кейинчалик таксопарк, ҳарбий қисм, шаҳар газлаштириш идораси каби ташкилот ва муассасаларда турли транспорт воситаларини бошқарди.

— Бу касбни танлашимда биринчи устозим, Тошкент шаҳридаги 5-таксопарк ҳайдовчиси Вазира опа Солиҳованинг ҳиссаси катта бўлган, — дейди Гўзал Назарова. — "ТШТТ" филиалига қарашли автожамланмада иш бошлаганимга ҳам яқинда беш йил тўлади. Бу ерда ишлаб, ўз ўрнимни топишимда раҳбаримиз Ҳидоят ака Усмонов, муҳандис Зоир Аъзамов, навбатчи механиклар Тоҳир Тожиев, Қодирхон Нодирхонов ва бошқалар менга катта ёрдам беришди. Шунингдек, ҳайдовчилар Баҳодир Аҳмедов, Ҳотам Кўчқоров, Рашид Азимов, Рашид Собиров, Абдулла Маҳкамов, чилангарлар Ҳабибулла Маҳкамов, Маъруф Жўрабоев, Жонибек Алимбеков, Сергей Щегилёвларнинг номларини ҳам алоҳида тилга олишни истардим. Бу инсонлар ўз ака-укаларимдай бўлиб қолган. Илгари бошқа ташкилотларда ҳам ишлаганман, лекин ҳозирги жамоамнинг ўрни бўлакча.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, "ТШТТ" филиали алоқа соҳасидаги энг йирик корхоналар қаторига киради. Шаҳардаги АТСларни таъмирлаш, янгиларини ўрнатиш, кабеллар ўтказиш, қисқаси, уларнинг кўнгилдагидек ишлашини таъминлаш транспорт воситаларисиз амалга ошмайди. Илгарилари "ТШТТ" автожамланмаси машиналари сони кам бўлгани боис, хизмат юзасидан ёрдам сўраб бошқа ташкилотларга ҳам мурожаат қилинарди. 1998 йилга келиб автожамланма машиналари сони юзтадан ошди ва бошқа ташкилотлар машиналарини жалб қилишга ҳожат қолмади. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Раҳбарларнинг оқилона иш юритиши-ю, шу ерда меҳнат қилаётганларнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши, ўзаро ҳамжиҳатлик меҳнатда унумдорликка эришишга олиб келди. Маълум бўлишича, автожамланма машиналарининг ярмидан кўпини эксплуатация даврини ўтаб бўлган машиналар ташкил этаркан. Фақат тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳоратли ҳайдовчилар ва чилангарларнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина машиналар иккинчи умрини яшаяпти.

Бугунги кунда пойтахтимизда алоқа хизматига бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам жуда тез суръатда

ошиб бормоқда. "ТШТТ" филиали автожамланмасида қунига кўзда тутилган 90-95та ўрнига 100-105 та машина хизмат сафарига чиқяпти. Шу оддий мисол ҳам шаҳардаги АТСларнинг иш ҳажми ошганидан далолат беради. Бу эса уларнинг янада сифатли ва соз ишлашини тақозо этиб, соҳа корхоналари қаторида автожамланма олдига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда.

— Гўзал Назаровага қойил қолиш керак, - дейди автожамланма раҳбари Ҳидоят Усмонов. — Чунки бизда ишлашга унчамунча эркакларнинг ҳам юраги дов бермайди. Баъзида таъмирлаш ишлари чўзилиб кетиши ёки кутилмаганда қайсидир АТСда носозлик пайдо бўлиши мумкин. Керакли асбоб-ускуналарни етказиб бериш, ишчиларни тегишли манзилларга элтиш бевосита ҳайдовчининг вазифаси бўлгани боис кўпинча ишдан кеч қайтишга, ўрни келганда дам олиш кунларининг ҳам баҳридан ўтишга тўғри келади. Буларнинг ҳеч бири Гўзалхонни чўчитмайди.

Унинг ўзи ҳам, машинаси ҳам ишга ҳамма вақт шай. Берилган барча топшириқларни ўз вақтида бажаради.

"Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди", деган ажойиб нақл бор халқимизда. Гўзал Назарова сингари меҳнаткаш, ўз касбини севиб, у билан фахрланадиган инсонлар меҳнат қиладиган жойдагина, шубҳасиз, ишда унум ва барака бўлади.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

ORAMIZDAGI ODAMLAR

МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Мамлакатимиз алоқа тизимига замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши натижасида бугунги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқларидан туриб ҳам дунёнинг исталган нуқталари билан боғланиш имкониятлари яратилмоқда. Почта алоқасида компютерлардан фойдаланиш тўлиқ йўлга қўйилиши билан иқтисодий тежамкорликка эришилганига, иш вақтидан унумли фойдаланишга замин тайёрлаганлигига, иш ва ижро интизомини мустаҳкамлаб, хизмат кўрсатиш сифатини талаб даражасида яхшилаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

— **Халқимизда** "Ҳаракатга яраша баракат", деган гап бежизга айтилмаган. Ишдаги интизом ва қаттиққўллик туфайли олдимизга қўйилган вазифаларни жамоамиз тўғри англаб, кўнгилдагидек уддалашга эришди, — дейди Шўрчи тумани почта алоқаси филиалига қарашли "Олатемир" почта алоқаси бўлими бошлиғи Зумрад Қурбонова. – Бўлимимиз "Олатемир" маҳалласида истиқомат қилаётган 7500дан ортиқроқ аҳолига хизмат кўрсатади. Уларнинг 355 нафари пенсионерлардир. Мақсадимиз битта – аҳоли хизматимиздан мамнун бўлсин.

Дарҳақиқат, биз яқинда ушбу алоқа бўлимида бўлиб, жамоанинг ишлари билан танишганимизда бу сўзларнинг нечоғлик ҳақиқатга тўғри келишига амин бўлдик. Суҳбатимиз давомида Зумрад опанинг ширинсуҳанлиги, қолаверса, ўз касбига меҳри бўлакча инсон эканлиги менда ўзгача таассурот қолдирди.

Қаҳрамонимиз тоғли Сариосиё туманига қарашли Бобур ширкат хўжалигида таваллуд топган. Шу ердаги қишлоқ мактабида ўқиб, ўрта маълумот олган. Ўз ҳаётини, келажагини алоқа соҳасига боғлашни истовчилар негадир у пайтларда жуда озчиликни ташкил қиларди. Аммо оддий қишлоқ қизи Зумрадда болалигиданоқ шу касбга нисбатан қизиқиш пайдо бўлди. Бу касбни эгаллаш учун ҳаваснинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Буни англаб етган Зумрад, аввало, пухта билим олишга интилди. Турли китоблар, ўқув қўлланмаларини қўлдан қўймади, газета ва журналларни қунт билан ўқиб борди. Хуллас, "Изланган имкон топади", деганларидек, ёш Зумрад ҳам ўқишизланишдан сира тўхтамади. Ёшликда қўйилган пойдеворнинг нечоғлик мустаҳкамлиги бугун ўзини намоён этмоқда.

Зумрад Қурбонова 1986 йили Тошкент алоқа техникумини тугатиб, йўлланма билан Сариосиё тумани почта алоқаси филиалига ишга келди. Бу орада курсдоши Абдурашид Қорабоев билан тўйлари ҳам бўлиб ўтди. Орадан кўп ўтмай улар Шўрчига кўчиб келишди. Абдурашид Шўрчи телекоммуникациялар боғламасига, Зумрад эса туман почта алоқаси филиалига ишга кирди.

Ўз касбини ардоқлаши, самарали меҳнатлари туфайли эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Зумрад опа 1992 йили Г.Ниёзов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасида янги очилган "Олатемир" почта алоқаси бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. У ишни кексалар билан учрашиб, суҳбатлашишдан бошлади. Қариялар ўгитидан сабоқ олиб, бир қатор хайрли ишларга бош-қош бўлди. Шунинг учун ҳам уруш қатнашчилари Қоржов бобо Жумаев, Мардон бобо Ортиқов, Жаҳонгир бобо Соатов, Маматқобил бобо Менгноров, Усан бобо Соатовлар Зумрад опа ҳақида илиқ, самимий сўзлар айтишади.

Эзгу мақсадлар йўлида қилинган ишлар ўз мевасини бермасдан қолмайди. Зумрад Қурбонова кўп йиллик намунали хизматлари эвазига мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

Зумрад опа тадбиркор раҳбар бўлиш билан бирга оқила она ҳамдир. Турмуш ўртоғи Абдурашид Қорабоев билан тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишмоқда. Фарзандлари Мария, Хуршиджон, Жамшиджон ва Сабриналар ҳозирги кунда мактаб қучоғида таълим-тарбия олишмоқда. Ота-онасининг улардан умидлари катта. Фарзандлари илм олиб, тадбиркор, ишбилармон инсонлар бўлишини, ҳар доим эл назарига тушиб юришларини орзу қилишади. Уларнинг оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди.

Ҳа, қарийб йигирма йил почта соҳасида баҳоли қудрат меҳнат қилиб келаётган Зумрад Қурбонова билан ҳамкасблари ҳар қанча фахрланишса арзийди.

Назиртош НАЗАРОВ
Сурхондарё вилояти

АЛОҚА ХИЗМАТИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Кейинги пайтларда алоқа соҳасида мижозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг кўплаб шаҳар ва туманларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шахобчаларининг кўнгилдагидек ишлаб турганлигини кўриб кўзинг қувнайди. Бу ерда, шунингдек, таксофонлар фаолияти ҳам замонавий талаблар даражасига келтирилган.

Яна бир эътиборли жиҳат, юртимиз ишбилармонлари ва тадбиркорлари сафини кенгайтиришда алоқа соҳаси ходимлари ҳам ўз улушини қўшмоқда. Бу айниқса, вилоят хом ашё ва агросаноат биржаларидаги электрон савдолар чоғида яққол намоён бўлмоқда. Нафақат ички, балки ташқи бозордан ҳамкорлар топишда сим орқали ўтказилаётган мулоқотлар катта аҳамиятга эга. Яқинда сурхондарёлик брокерларнинг россиялик харидорлар билан алоқа кўприги ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга ташрифидан кейинги бу тадбир томонлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга баҳоли-қудрат ҳисса бўлиб қўшилди.

Вилоятда фаолият кўрсатиб турган "ЎЗИ-Термиз" филиалининг Интернет гуруҳлари ахборот олишда ўзига хос ўрин тутади. Биз мазкур хизмат турини барча шаҳар ва туманларда очиш устида иш олиб боряпмиз. Энг муҳими, бу шахобчаларга малакали мутахассислар жалб этилган.

Ҳозир Термиз, Денов, Олтинсой ва Шўрчи шаҳарларида жаҳон андозасидаги рақамли телефон станциялари ишлаб турибди. Жорий йилда Сариосиё туманидаги мижозлар ҳам бу қулайликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Келгусида унинг қамрови янада кенгаяди. Жарқўрғондаги радиоалоқа филиалида хитойлик ҳамкорлар билан иш олиб борилмоқда. Тоғ қишлоқлари ва божхона масканларига сифатли алоқа хизмати кўрсатишда бу ҳамкорликнинг аҳамияти каттадир.

Алоқа ходимларига етарли шарт-шароит яратиш, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофазага олиш доимо диққат-эътиборимизда турибди. Ўтган йили филиал ходимларининг ўртача ойлик маоши энг кам иш ҳақининг қарийб 10 баробари миқдорида бўлди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаб бориш билан боғлиқ тадбирлар алоҳида назоратга олинган. Филиал бошқаруви биноси ва бир қатор телекоммуникациялар боғламалари жорий таъмирдан чиқарилди.

Ушбу ишларни амалга оширишда, эришилган ютуқларда фидойи ва заҳматкаш ходимларимизнинг ҳиссаси катта, албатта. Улар бор экан вилоятимиз телекоммуникация тармоғи бундан-да ривожланаверади.

Рустам ТЎХТАМИШЕВ,
"Сурхондарё Телеком" филиали директорининг биринчи ўринбосари

"ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон халқига ва алоқа соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимга сиҳат-саломатлик тилайди.

Боболардан мерос қадриятларимиз авлодларимиз учун ҳам муқаддас тушунчаларга айлангай. Келажаги порлоқ мамлакатимиз жаҳонда ўз ўрнига эга бўлгай.

"ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик тилайди.

Асрлар давомида шаклланган қадриятларимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, уларни келгуси авлодларга етказиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мустақил юртимизнинг бепоён осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.

XOTIRA

ЗУККО ВА КАМТАРИН ТАРИХЧИ ОЛИМ ЭДИ

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳабиб Турсунов Тошкент ахборот технологиялари университети (собиқ номиТЭАИ) ташкил этилганидан бошлабоқ алоқа соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган инсонлардан бири эди.

Ҳабиб Турсунов ТЭАИда 1956 йилдан 1968 йилгача "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири, 1957-1958 йиллари радиоалоқа ва радиоэшиттириш факультетининг декани ва бошқа раҳбарлик лавозимларида ишлаб, миллий кадрларни тайёрлашда фаол қатнашди. Фидойи педагог ва олим сифатида обрў қозонди. Институт фаолиятининг биринчи ўн йиллигида ижтимоий фанлар кафедраларини ташкил қилиш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлашда Ҳабиб Турсуновнинг хизматлари, айниқса, катта бўлди. Ижтимоий фанлар йўналиши бўйича олимлар — профессор М.Абдурасулов, доцентлар Х.Абдураҳмонов, А.Мирхолиқовлар ҳам домланинг шогирдлари ҳисобланади.

Ҳабиб Турсунов Иккинчи жаҳон урушида мардонавор қатнашди. Урушдан сўнг бир неча йиллар ЎзРФА тарих институти директори бўлди. Ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университети ректори лавозимида ҳам ишлади. Бутун ҳаёти давомида у республикамизда кўплаб тарихчи ва ўқитувчи кадрларни етиштиришга муносиб ҳиссасини қўшди.

Домла Ҳ.Турсунов ТЭАИда 1956-1970 йилларда ўзбек қизларини ўқитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Доцент Х.Шарипова (раҳматли) ва республикамизнинг турли корхоналарида бир неча йиллардан буён меҳнат қилаётган етук муҳандислар М.Ҳожибоева, Ж.Муратова, М.Каримова, С.Кенжаева ҳамда ҳозирги пайтда Маданият институтида кафедра мудири лавозимида ишлаётган профессор М.Ёқубовалар устознинг қўллаб-қувватлашлари туфайли яхши мутахассис бўлиб етишдилар ва элга танилдилар.

Зукко олим ва камтарин инсон Ҳ.Турсуновнинг алоқа соҳаси кадрларини тайёрлашдаги хизматларини ҳамкасблари ҳеч қачон унутмайди.

С.СИДДИҚОВ,
Марказий Осиё телекоммуникациялари ўқув маркази директори

ALOQA OLAMIDA

NOKIA:

ИНСОН ТУРМУШИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Муҳандис Фредерик Идестэм 1865 йили Финляндиянинг жануби-ғарбида ёғочни қайта ишлайдиган корхонага асос солди. Шу орқали бугунда ҳаммага маълум ва машҳур бўлган Nokia компаниясининг тарихий фаолияти бошланди. Расмий равишда 1967 йили қайта ташкил этилган Nokia Corparation эса телекоммуникациялар бозорига ўзгача шиддат билан кириб келди.

Оддий қоғоздан мобил телефонигача...

Ташкил этилишидан бошлаб то ҳозиргача Nokia коммуникация соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Чунки, компания ишлаб чиқарган қоғозлар ҳам ахборот алмашишнинг илк кўринишлари эди...

XX асрнинг 80-йилларида Nokia компанияси Mobira, Salora, Televa ва Luxor of Sweden компанияларини сотиб олиб, телекоммуникациялар ва маиший электроника бозорида ўз мавқеини янада кучайтирди. Бироқ бу билан чекланиб қолинмади. 1987 йили Франциянинг маиший техника ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган Oceanic, шунингдек, German Standart Elektrik Lorenz компаниясининг электроника бўлими қўлга киритилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Nokia Швейцариянинг кабел ускуналари ишлаб чиқарадиган Maillefer компаниясини ҳам сотиб олди. 80-йилларнинг охирларида Nokia Ericssonдан Data Systems бўлимини харид қилди ва Скандинавиянинг ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатадиган энг йирик компаниясига айланди. Европада кабел савдосини кенгайтирган Nokia 1989 йили ўз таркибига Данияннинг NKF фирмасини ҳам қўшиб қўйди.

Компаниянинг саноат ва ахборот технологиялари бўлимлари 90-йилларнинг бошларида алоҳида ажралиб чиқди ва Nokia бор эътиборини ўзининг асосий бизнеси — телекоммуникациялар соҳасига қаратди.

Телекоммуникациялар соҳасидаги муваффақият

Олтмишинчи йиллар Nokiaнинг телекоммуникациялар бозорида муваффақиятга эришиши тарихида муҳим рол ўйнайди. 1963 йили радиотелефон ихтиро қилинди, 1965 йили эса маълумотлар узатиш учун модем яратилди. Бу ишларнинг барчаси бундай ускуналар мавжудлигини омма эшитишидан анча илгари амалга оширилган эди.

Микрокомпютерлар пайдо бўлган саксонинчи йилларда Nokia компютер, монитор ва телевизорлар ишлаб чиқарувчи асосий компаниялардан бирига айланди. Ўша пайтларда юқори тиниқликдаги телевидение, йўлдошли алоқа ва компютернинг ҳар бир хонадонда бўлиши уй эгалари тасаввурича ўта муҳим ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам маҳсулотлар савдосидан компания даромади кун сайин ошиб борди.

Дунёда илк бор мобил телефон алоқаси тармоғи (NMT) Скандинавияда 1981 йили вужудга келган эди. Nokia ушбу тармоқда ишлашга мўлжалланган автомобил телефонларини ишлаб чиқаришни бошлайди. Биринчи мобил телефонлар ҳам ўшанда пайдо бўлганди, бироқ улар жуда ҳам катта ва оғир эди. Nokia ўзининг илк мобил телефонини 1987 йили намойиш этди. Шундан буён телефон аппаратлари тобора кичрайиб, уларнинг бозори эса янада кенгайиб бормоқда.

GSM тармоғида жаҳон узра "саёҳат"

Техник жараён ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши янги тоифали одамларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Улар телефон симларидан эркин ҳолда жаҳон бўйлаб саёҳат қилувчилар эди. Уларнинг талабини қондириш учун GSM рақамли стандарти қўл келди. Сабаби — ушбу тармоқ орқали уяли телефонда жаҳон бўйлаб сўзлашиш мумкин эди. 1987 йили GSM тармоғининг умумевропа мобил алоқаси стандарти сифатида қабул қилиш ҳақидаги қарор бу йўналишда катта имкониятларни очиб берди. Расмий равишда GSM 1991 йилнинг 1 июлида тасдиқланди. Nokiaнинг шарофати билан эса GSM тармоғи аллақачон Финляндияда мавжуд эди.

Сиёсат ва янги технологиялар саноатни изга солишда давом этарди. 80-90-йилларда иқтисодиётда давлат бошқаруви сезиларли равишда камайди. Бу рақобатнинг кучайиши ва талабнинг ортишига олиб келди. Nokia ҳам ўзгарди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, корпорация ўзидан нефтга ихтисослашган бўлимини ажратиб ташлади ва телекоммуникациялар соҳасига тўлиқ ўтиб олди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида ҳамма ҳам ҳаётимизга кириб келаётган рақамли технология бу қадар дунёни ўзгартиришини тахмин қила олмас эди.

Nokia — мобил соҳасида жаҳоннинг етакчиси

Бой тажриба ва замонавий технологияларга таянган ҳолда компания уяли алоқа ва IP-телефония тармоғида биринчи ўринга чиқиб олди. Бир неча йил давомида мобил телефонлари ишлаб чиқаришда етакчилик қилган Motorola ортда қолдирилди.

Nokia мобил технологияларини ишлаб чиқариш жараёнини ўзига ишонган ҳолда бошқармоқда. Компания жаҳон бозорини обдон ўрганиб, ўз маҳсулотлари савдосини ҳар томонлама йўлга қўя олган. Маҳсулотлар ҳам шунга монанд ўзгариб бормоқда. Телефонлар овозлидан мультимедиага, сурат билан ишлаш, дам олиш ва бизнес учун қулай бўлган кўплаб таклифлар билан бойимоқда. Янги бозорлар яратилиб, чексиз имкониятлар очиляпти.

Компания мутахассислари ҳозирги шароитда ахборот-коммуникациялар тараққиёти мобил алоқасисиз амалга ошмаслигини яхши билади. Шунинг учун Nokiaнинг доимий ҳаракатлари инсонлар турмушини яхшилаш ва енгиллаштиришга қаратилган.

Л. ТУРСУНОВ тайёрлади

ILMIY IZLANISHLAR

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА СОЛИТОН АЛОҚАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Бошқа сигналлар каби солитонни ҳам зичлаштирса бўлади. Зичлаштириш орқали Nippon Telegraph and Telecommunications компаниясининг тадқиқотчилар гуруҳи 500 км.га узатиш тезлигини 80 Гбит/с ли (8 –10 Гбит/с ли каналлар) самарали натижага эришди. Худди шундай усулда Римда ўрнатиладиган кабеллар узатиш тезлиги 40 Гбит/с ли 700 км. узунликдаги тармоқ бўлган ESTHER (Европа ҳалқаси учун тажрибавий солитон магистрали) лойиҳаси амалга оширилади.

France Telecom (CNET) компанияси ESTHER — Телекоммуникация соҳасидаги изланишлар маркази лойиҳасининг муаллифларидан бири ҳисобланади. Ҳозир CNET узоқ масофага маълумотларни узатиш технологиялари қаторида яқин масофага узатиш тезлигини ошириш ишларини ҳамда оптик коммутация соҳасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Бугунга келиб CNETда 40 Гбит/с маълумотларни 10 минг км.га 9-10 фоиз фарқ билан узатишга эришилди.

CNET маълумотларни узатиш лабораториясининг раҳбари Патрик Вандамнинг фикри шундай: "Солитонларни фақат тола узунлигидаги ўтказиш салоҳияти 2,5 Гбит/с дан 10-20 Гбит/с гача бўлган янги авлод тизимларида қўллаш мақсадга мувофиқдир". Яъни солитон каналларнинг юқори тезликдаги яқин масофага маълумот узатувчи тизимларида ишлатилади. Ҳозирда CNET 200 Гбит/с ли каналларни синовдан ўтказмоқда.

Lucent Technologiesнинг илмий ходими Линн Молленауэр айтганидек, солитонлар нафақат юқори тезликни, балки энергияни ҳам тежайди (Молленауэр гуруҳи солитонлар соҳасида биринчи бўлиб амалий тажрибалар олиб борган, солитонлар мавжудлиги ҳақидаги назария муаллифи эса Акира Косегавадир).

Молленауэрнинг таъкидлашича, анъанавий тизимлар маълумотлари NRZ тамойилида (нулга қайтиш) узатилади, солитонлар эса RZ (нулга қайтмаслик) ҳолатида шу ишни бажаради. NRZ тарзида тўплам иккиламчи нуллан бирга ёки аксинча ўзгаришга учрагунга қадар тинимсиз узатилади. RZда эса тўплам саноғи бирга мос келади. RZ тарзида тўплам интерференцияга ва сигналлар жипслаштирилгандаги аралашиш ҳолатларига ўта таъсирчан бўлади.

Солитон технологиялари анъанавийларидан амалда фарқ қилмаганлиги боис янги технологиядан тижорат йўлида фойдаланишга ўтишни тезлаштириш лозим.

Солитонлар ҳали тажрибавий технология бўлишига қарамай Молленауэрнинг умидлари катта: "Биз солитон тизимининг яшаш ва ишлаш қобилиятини исботлаб бердик". Массачусетс технология институтининг электротехника ва компютер фанлари профессори Херман Хаус солитон соҳасидаги изланишларнинг сабаби келажак технологиясини яратиш эмас, балки такрорловчиларсиз оптик толада узатишнинг анъанавий усуллари ривожланишини тезлаштиришдир деган фикрда.

"Солитонлар юқори тезлик коммуникациялар соҳасида муҳим ўрин тутади. Терагерц частотасидаги алоқада шундай тезликни йўналтира оладиган коммутаторлар лозим бўлади. Солитон коммутацияси учун солитон алоқаси ҳам керак бўлиши табиий", деб таъкидлайди Хаус.

Солитон технологияси

Солитон — кварцли оптик тола – нур ўтказгичдан ўтувчи ўзига хос нурнинг импулси. Солитоннинг нур ўтказгичдаги ҳаракат хоссаси анъанавий нур импульсларининг хоссаларидан фарқ қилади. Анъанавий импульсларнинг ҳаракатчанлигига оз бўлса-да доимо учрайдиган йўқотишлар тўсиқ бўлиши, бундан ташқари импульслар ўз шаклини ўзгартириши, баъзан кўплаб майда импульсларга бўлиниб кетиши мумкин. Ушбу хусусият дисперсия деб аталади. Бу каби турли кўринишдаги тўлқинсимон ҳодисалар кўп учрайди. Дисперсия импулс (ёлғиз тўлқин)ларнинг турли даврдаги синусоидал тўлқинлари йиғиндисини ташкил этган ҳолатларда пайдо бўлади. Нур кўринишидаги тўлқинлар учун турли ранглар ҳар хил даврларга мос келади. Турли рангдаги тўлқинлар ҳар хил тезликда тарқалади, уларнинг тезлиги фақаттина вақуумда тенглашади. Маълум бир жойда тўлқинлар импулсни ташкил этиб, сўнгра тарқалади, бу эса импульсларнинг муҳитда тарқалишига қараб шакли ўзгаришига олиб келади. Агар маълумотлар узлуксиз импульслар орқали юборилса, шакл ўзгариши билан импульслар беркила бошлайди ҳамда маълумотларни ажратиш имкони йўқолади ва натижада импульслар ҳам йўқолади. Шу сабабли оддий оптик толали алоқа тармоқларида юқори тезликда маълумот узатиш жараёнида ўтказиш хусусиятлари чеклаб қўйилади.

Солитон усулида узатишда кварцли оптик толадан нур ўтказгич тайёрланади. Нур импулсининг юқори тезлигида нур ўтказгичнинг оптик хусусияти, биринчи галда синиш кўрсаткичи, шу билан бирга, оптик импулснинг хоссаси ҳам ўзгаради. Мавжуд қисқа импульсларда нотармоқ жараёни бўлиб ўтиши, натижасида нур тўлқинлари ўз шаклини ўзгартирмай тарқалади. Ана шундай импульслар солитон деб номланади.

Шу ўринда алоқа тармоқлари солитонли бўладими, деган савол туғилади. Балки бу саволга бир неча йилдан сўнг жавоб оламиз. Нима бўлганда ҳам, оптик толаларнинг ўтказиш хусусиятлари тез суръатларда ўсиб бориши туфайли яқин келажакда йўлдош алоқа каналларига шерик лозимлигини ҳозир ишонч билан айтиш мумкин. Оптик толага бағишланган сўнгги конференцияда (OFC'97) япон олимлари "Кунчиқар ўлка"да узунлиги 10 минг км.ли 100Гбит/с (20 Гбит/с ли 5 канал) юқори тезликдаги солитон тармоғи ишлаётгани ҳақида маълум қилишди.

Солитон тўлқинларини ўрганиш бой тарихга эга. Ҳаммаси 1834 йили шотланд ҳарбий-флот муҳандиси Жон Скотт Расселнинг кузатишларидан бошланган. У саёз Эденбург-Глазго канали бўйида туриб баржа тўхтатилиши оқибатида тўлқин юзага келиши ва унинг икки мил давомида ўз шакли ва баландлигини сақлаган ҳолда ҳаракатланганини пайқайди ва у ушбу ғайриоддий ҳодисани "Узатишнинг буюк тўлқини" (Great Wave Translation) деб номлади. У тажриба учун каналнинг 9 метрлик нусхасини ясади. Орадан ўн йил ўтгач, яъни 1844 йили Қироллик Жамияти йиғилишида Рассел ўз кузатувлари бўйича маъруза қилди.

Ярим аср ўтгач, 1895 йили Англиянинг Philosophical Magazin журналида даниялик олимлар Дедерик Йоқаннес Кортевег ва Гедрик де Фризларнинг мақоласи чоп этилди. Унда саёз каналлардаги тўлқинлар баъзи турларининг дифференциаллик даражаси ҳолати баён этилади. Ушбу мақоладаги дифференциаллик даражаси кейинчалик солитон тўлқинлар назариясидаги асосий тенглик бўлди. У Кортевег-де Фриз мақоми даражасини олган. Бу солитон тўлқинларининг тезлиги ва баландлиги ўртасида ўзаро мос боғлиқлик мавжудлигини исботлайди.

Кортевег-де Фриз даражаси ўз давридан бир неча ўн йилликлар олдинга ўтиб кетган ҳодиса эди. Ўтган асрнинг ўрталарига қадар у ҳақда деярли ҳеч ким эсламади. Фақат 50-йилларга келиб, солитон тўлқинларини ўрганишда уйғониш даври бошланди. Машҳур ядрочи физик, Нобел мукофоти соҳиби Энрико Ферми 50-йиллар ўрталарида Лос-Аламосдаги ядро марказида ишлашни давом эттириш билан бирга, дастлаб чизиқли бўлган, лекин уларга ночизиқлик ғалаёнлиги сифатида киритилган оддий дифференциал тенгламалар тизимларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил этиш билан шуғулланди. Ферми олган натижалар ночизиқли тенгламаларни таҳлилий ечиш усулининг кашф этилишига олиб келди ва 1964 йилда Кортевег-де Фризнинг тўлқин тенгламаси ечими солитон ёки яккаланган тўлқин деб аталди.

1955 йили Энрико Ферми, Жон Паста ва Станислав Юлемлар Лос-Аламосда Manaic I компютеридан фойдаланиб, иссиқлик ҳолатларининг саноқ изланишларини олиб бордилар ва иссиқликнинг тарқалишида солитон тўлқинларини аниқлашди. 1963 йили Принстон университетининг икки олими Норман Забуски ва Мартин Краскаллар Ферми-Паста-Юлемнинг иссиқлик тарқалиш масаласини ўрганиб чиқишди ва ушбу масаланинг Кортевег-де Фриз даражаси билан алоқаси борлигини топишди. Икки йил ўтгач, улар бу даражанинг саноқ ечимини аниқлашди. Чуқур математик модел ҳисоблари натижасида олимлар якка тўлқинларнинг тўқнашувдан сўнг ўз шаклини ўзгартирмаслик хусусиятини билиб олишди. Забуски ва Краскаллар бу тўлқинларни солитонлар (solitary — "якка, ёлғиз") деб номлашди.

Оптика бўйича солитонларни ўрганиш ҳам 60-йилларда бошланди. 1969 йили Сем Мак-Колл ва Эрвин Хан баъзи оптик муҳитлардаги нур тўлқинлари ҳаракатида солитон ҳодисалари мавжудлигини аниқлашди. Орадан тўрт йил ўтгач, Bell laboratoriesда Акира Хасегава ва Фред Тапперт оптик толада солитонни қўллаш мумкинлигини илк бор тахмин қилишди. 1971 йили россиялик олимлар Захаров ва Шабат электромагнит тўлқиннинг дисперсия муҳитида тарқалишини тавсиф этувчи Шредингер тенгламасини ечиб, ночизиқли дисперсия муҳитида солитонлар мавжудлигини назарий равишда исботладилар. 1980 йили Линн Молленауэр, Рожерс Столлен ва Жеймс Гордон Bell laboratoriesда оптик толадан солитон тўлқинлари ўтишини намойиш қилиб беришди. Худди шу йили Bell Laboratories компанияси тадқиқотчилари жамоаси буни синовлар ўтказиш орқали тасдиқлашди. Натижада 1998 йили ушбу компания мутахассислари гуруҳи оптик толадан солитон тўлқинларини хеч бир оралиқ қурилмаларисиз 6 минг км.га узатишга муваффақ бўлишди. Синовлар Англияда Pirelli ва MCI компаниялари томонидан олиб борилди.

Солитонлар йўналтирилган нур тўлқини бўлиб, юборилганда шакли ўзгармайди. Мукаммал толада солитонлар шакли сақланиб, кенгаймайди ва тораймайди. Мавжуд толаларда импулс букилиши кузатилади. Агар толада букилишнинг олдини олувчи баъзи қучайтиргичлар қўлланилса, импулс шаклини ўзгартирмасдан қолдириш мумкин. Бу эса солитон усулини амалиётда қўллаш имкони борлигини кўрсатади. Бироқ солитоннинг молдий хоссаси жуда мураккаб, икки қарамақарши ҳодиса таъсирида асосий ҳодисани ташкил этади. Биринчиси – дисперсия, яъни ҳар хил тўлқинларнинг турли масофаларга тарқалиш хусусиятидир. Иккинчи ҳодиса Керра эффекти деб номланади. Унда импулслар ўз тезлигини ҳаракатчанликнинг маълум бир босқичидан бошлаб ҳаракатчанликка қараб турли тезликларга эга бўлади. Керра эффектида дисперсия таъсири остида солитонлар тенглашади. Бошқача айтганда, дисперсия импульсларни янада кенгайтирса, Керра эффекти уларни зичлаштиради. Агарда икки эффект мувозанатлашса импулс шакли ўзгармайди. Муҳитдаги дисперсия энергия катталаштириб, уни ёйиб юборишга, ночизиқли эффектлар, аксинча, унинг шаклини кескинлаштиришга интилади. Агар синиш кўрсаткичи муҳитдан ўтаётган нурланиш қуввати кўтарилиши билан ўсаётган бўлса, лазер дастаси тарқалаётганида синиш коэффициенти нур ўқида энг катта бўлади. Бу шунга олиб келадики, тарқала бошлаган нур яна ўқ яқинида тўпланади. Ушбу эффект мавжуд бўлиши учун импулс қуввати муайян критик қийматдан каттароқ бўлиши лозим. Агар бу ортиқлик такрорланса, нурнинг ўққа ўтиши юз беради, бунда импулс қайтариб бўлмайдиган даражада парчаланади ва унинг энергияси сўниб, йўқолади. Лазер импулсининг қуввати критик қийматидан бир оз юқори бўлганда қарамақарши эффект юзага келади, импулс каналланади, яъни у сўнмасдан катта энергия билан жуда узоқ масофаларга тарқалади.

Солитон технологиясининг радиода қўлланилиши

Яқинда "Soliton nill radio"да "мунтазам" радио эшиттириш бошлангани маълум бўлди. Бу ерда "мунтазам" сўзининг қўштирноққа олиниши тасодифий эмас. Аслида узаткич бир кеча-кундузда бир марта эфирга жуда кучли қувватга эга импулсни узатиш учун сониянинг кичик улушигагина уланади. Эквивалент қувват, яъни фазаланган антенна йўналтирилган таъсирнинг коэффицентини ҳисобга олганда, 157 ГВт ни ташкил этади. Фазода сўнмасдан ва шаклини ўзгартир-масдан тарқала оладиган яккалан-ган радио тўлқинни уйғотиш учун айнан шундай қувват зарур. Янги Зеландия олимлари ва муҳан-дисларининг ҳаракатлари туфайли радио диапазонида солитонни амалга олиш имкони пайдо бўлди.

Очиқ фазо шароитида радиочастотада солитон олишга интилишлар лазерли технология бўйича яхши маълум бўлган фокусланиш эффекти қўлга киритилмагунча мунтазам равишда чиппакка чиқар эди. Унинг кўриниши қуйидагича: солитоннинг таърифи бўйича қўнғироқсимон, гиперболик секанс шаклга эга. Техникавий муаммолардан таш-қари, бундай даста яратиш учун нурлат-гичнинг дастаси ҳали структураланмаганлиги каби физикавий муаммолар ҳам мавжуддир. Янги Зеландия олимлари бунинг ечимини тоғдилар.

Ҳар қандай замонавий катта шаҳарда ўн мингдаб уяли телефонлар мавжуд бўлиб, уларнинг нурлари ўнлаб километр радиусга тарқалади. Бу вақтда, одатда SMS-хабар узатилади. Аммо Silicon Hillsдаги қонуниятга кўра, солитонли узатиш чоғида телефон уланган бўлиши лозим. Бунинг учун компания маъмурияти билан келишилган ҳолда уяли телефонларга рақамни қайд этиш чоғида SIM карта дастурлаштирилади. Телефонлар юқори частота нурларининг катта умумий қуввати атроф бўшлиққа таъсир қилади. Натижада бутун бир кеча-кундуз давомида зарядланган конденсаторлар батареясининг энергияси эркинликка чиққанида шаҳар устида қўлбола чақмоқ чақнаб, маҳаллий вақт бўйича туш пайти келганлигидан хабар берувчи момақалдироқ гумбурлайди. Бу, шунингдек, Solition Hills Radio(SHR) га созланган приёмникларда ахборот янгиланади демакдир.

Гап шундаки, бундай каналнинг ўтказиш қобилияти деярли узлуксиз, аммо одатдаги товушли эшиттиришни амалга ошириш учун ахборот рақамлаштирилади ва қисилади. Қабул қилгичларда тескари жараён юз беради. Бунда олинган ахборот ҳажми шу қадар катта бўлиб чиқадики, буферли операцион хотира қурилмаси (ОЗУ)нинг сиғимдорлиги частоталари тўлиқ полосадаги 24 соатлик стереофоник эшиттиришга етади. Телекўрсатувлар лицензион тушунчалар туфайли, шунингдек, ҳақиқий вақт телеканалларини хонавайрон қилмаслик учун амалга оширилмайди.

Солитон радио имкониятлари ҳақиқатан чексиздир. Бу ерда техникавий мураккаблик яширинган. Сир эмаски, ўта кенг полосали сигнални қабул қилиб олиш учун унинг ўзидек қабул қилиш қурилмаси керак. Амалда солитон спектри унинг давомийлиги туфайли узлуксиз эмас, модуллаш эса юпқа структура бўйича юз беради.

Хайрулла ОРИПОВ,
Халқаро Алоқа академияси академиги,
ТАТУ Ўқув ишлари бўйича проректори, профессор,
Голиббек ЖАЛИЛОВ,
ТАТУ талабаси, Беруний номидаги Давлат стипендияти

IQTISODIY SAVODXONLIK

ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Магазин (магазин, drive-in; magazine; shop; store) — Магазин, дўкон; чакана савдо ташкилоти.

Мажбурият (обязательства, liability; obligation) — Мажбурият, ваъда, вазифа, бурч, тилхат; шартнома билан расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Маклер (маклер, banian, broker) — Битимлар келишувидаги воситачи. У битим тузмайди, балки битим тузиш учун харидорни жалб этади, бунинг учун воситачилик ҳақи олади.

Марказлашиш (централизация, centralization) — Бирор нарсанинг бир жойда тўпланиши, масалан: пул маблағларининг давлат бюджетида тўпланиши марказлашган пул маблағлари дейилади ёки марказлашган резервлар ва ҳоказо.

Марказий банк (центральный банк; central bank, lender of last resort) — Марказий кредит муассасаси бўлиб, банкнотлар чиқариш, пул муомаласини, кредит ва валюта курсини бошқариш, расмий олтин-валюта захирасини сақлаш ҳуқуқига эга. У "банклар банки", давлат бюджетига хизмат кўрсатилишида ҳукумат вакили (агенти) ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи институтдир.

Маҳсулот (продукт; produce, product) — Бирор фаолиятнинг моддий натижаси (меҳнат; хизмат кўрсатиш; иш бажариш). Ишлаб чиқариши истеъмоли учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва шахсий истеъмол учун ишлатиладиган истеъмол предметлари; маҳсулот, масалан, ялпи маҳсулот, соф маҳсулот, саноат маҳсулоти.

Махсус иқтисодий зона (специальная экономическая зона, free economic area) — Эркин иқтисодий зоналарнинг махсус тури бўлиб, технологик зоналар деб аталади. Бу зоналарда янги техника ва технологияни яратиш учун имтиёзлардан чет эл корхоналари, миллий корхоналар, шу жумладан, ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади. Савдо, саноат, технология ишлари учун қулайликлар барпо этилади.

Марка (марка, mark)— Германиянинг миллий пул бирлиги; савдо белгиси, буюмлардаги фабрика тамғаси; термин.

Маркетинг (маркетинг, marketing) — Инсон эҳтиёжи ва талабларини таъминлаш ва фойда олиш мақсадида бозор билан амалга ошадиган товарлар сотилишини таъминлаш, айирбошлашни тезлаштиришга қаратилган фаолият. Масалан, асосий товарни қайта ишлаш, бозорни таҳлил этиш, коммуникацияни йўлга қўйиш, тақсимлашни ташкил этиш, баҳоларни белгилаш, сервис хизматини ривожлантириш ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият (общество с ограниченной ответственностью, limited society) — Ўз мулки чегарасида мажбуриятларга жавобгар бўлган, қисмларга бўлинган устав фондига эга бўлган таъсис ҳужжати билан белгиланган акционер жамият тури. Жамият аъзолари маблағи жамият розилиги билан берилиши мумкин.

Маъмурий-бошқарув харажатлари (административные расходы, office expenses) — Бошқарув аппаратини сақлаш (таъминлаш) харажатлари; хизматдаги енгил автомобилларни сақлаш харажатлари; қўриқлаш ходимлари, қўриқчи тизимларни сақлаш харажатлари; хизмат сафари харажатлари.

Маъмурият (администрация; administration, the management) — 1) Давлат органларининг бошқарув фаолияти; бошқарув соҳасидаги ташкилий фаолият; 2) давлат ижро ҳокимияти органлари; 3) муассаса, корхоналарининг раҳбар ходимлари.

Менежер (менеджер, manager) — Корхона, фирма, банк раҳбари ҳамда ташкилотчи, бошқарувчи, координатор, ҳамма нарсага жавоб берувчи, алоҳида хўжалик мустақиллиги билан ажралиб турувчи шахс.

(Давоми бор.)

СКАНВОРА "Хазина" газетаси томонидан тақдим этилди



SPORT, SPORT, SPORT

MINI FUTBOL

ҒОЛИБ — АНГРЕН ЖАМОАСИ

"Тошкент Телеком" филиали маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида телекоммуникациялар боғламалари ўртасида мини футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 19 жамоа иштирок этди.

Ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган Ангрен, Янгийўл, Ғазалкент телекоммуникациялар боғламалари ва "Тошкент Телеком" филиали маъмурияти жамоалари финал ўйинларида иштирок этишди. Шиддатли кечган баҳсларда ғолиблик "Тошкент Телеком" ва Ангрен жамоалари ўртасида аниқланди. Маъмурият жамоасини 6:3 ҳисобида енгган ангренликлар ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган кубокни қўлга киритди.

FUTBOL

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ БАҲСЛАРИ

Мазкур ҳафтада Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари давом эттирилди. Унда иштирок этаётган мамлакатимизнинг икки жамоаси ўз майдонларида навбатдаги рақибларини қабул қилишди.

"Нефтчи" жамоаси мана тўртинчи турдирки, ғалаба нималигини билмаяпти. Бу сафар Эроннинг "Исфаҳон" жамоасига қарши майдонга чиққан фарғоналиклар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси эса, аксинча, ғалабали одимини давом эттирмоқда. Пойтахтликлар Эроннинг яна бир жамоаси — "Зоб Аҳан" устидан Л.Кошелев ва М. Бикмаевларнинг киритган тўплари эвазига 2:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари давом эттирилаётган бир пайтда Европа чемпионлар лигаси ниҳоясига етиши учун яна бир учрашув қолди. Сешанба ва чоршанба кунлари ўтказилган ярим финалнинг жавоб ўйинлари финалчиларни аниқлаб берди:

"Депортиво" (Испания) – **"Порту" (Португалия)** – 0:1. Биринчи учрашув – 0:0.

"Челси" (Англия) – **"Монако" (Франция)** – 2:2. Биринчи учрашув – 1:3.

SIZ KUTGAN UCHRASHUV

Муҳаммад ИСМОИЛ. "Тазарру саодати", "Тасаввур чизиқлари", "Кўнгил мулкига сафар", "Сахройи гуллар" китобларининг ҳамда "Изгиринли кунларнинг бири", "Ой чиқмаган оқшом", "Сиз ҳамон ўшасиз", "Бир жиноят изидан", "Янги ой чиққан кеча", "Атиргул" сингари видеофилмлар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ХАЛҚ — ЮЛДУЗЛАРДАН ЮКСАКДИР!

Шоир ва ёзувчи Муҳаммад ИСМОИЛ билан суҳбат

— Муҳаммад ака, кўпгина шеърларни ўқиганимда, уларда қандайдир барҳаётлик муҳри яширинганга ўхшайди. Назаримда, шоирлар ҳам қаримайдигандай туюлади...

— Ҳозир, қир-адирларга чиқсангиз ям-яшил ўтлоқларни, ял-ял ёнаётган қизғалдоқларни, анвойи бўйлари гуркираган забаржад чечакларни кўрасиз. Аммо бир-икки ойдан кейин улар қовжираб сўладилар. Сап-сариқ, бийдай далалар тўшларини яланғочлаб, кўкка қараб ётадилар.

Инсон умри ҳам шундай. Жуда тез ўтиб кетади. Кеча кўз олдимизда юрган, навқирон шоирлар, бугун сочлари оқариб, олтмишни, етмишни қоралаяпти. Негадир, мен ҳамма ёши улуғ ижодкорларни туғишган акамдай, кичикларини эса қони бир укамдай кўраман. Мункиллаб юрганларини кўриб, йиғлагим келади. Ичига сиғмай, ҳайқирганларини кўриб қувонаман. Муҳаммад Юсуф вафот этганини эшиттанимда бир ҳафта ўзимга келолмаганман. Биронта қариндошим вафот этганида ҳам бу қадар ўкириб йиғламагандим. Ҳаётда одам кўп нарсани йўқотиши мумкин, лекин, Муҳаммад Юсуфнинг ўлимини ҳеч тасаввуримга сиғдиролмайман, бунга кўниколмайман.

Ҳиндистон сафари чоғида...

Аслини олганда, биз кун, йил, аср дея ўлчов бирлиги қилиб олган тушунчалар нима? Нисбий тушунчалардир! Балки биз аср деб билган вақт оралиғи Худонинг ўлчовига солиштирганда бир дақиқадир. Эҳтимол, бизнинг бир кунимиз, капалак учун бир асрдир. Самарқанд, Бухорога бориб, мақбаралар олдида бир соат ўтирсангиз, беш юз йил илгариги замон худди кеча бўлиб ўтгандай туюлади, ўша давр руҳига кириб қоласиз. Имом ал-Бухорий, Алишер Навоийлар тириқдай туюлади. Юз йилликлар пардаси кўтарилади.

Наполеон Бонапарт Мисрни ишғол қилганида, миниб юрган отини Сфинкс пойига тўхтатиб, сояда бироз ўтиргач, шундай деган экан: "Ер шарининг кичкина эканлигини билардим, лекин ўтган минг йиллик давр бу қадар яқин эканлигини билмаган эканман".

Худо одамларнинг дунёга келишини навбатма-навбат даврларга бўлиб чиққан. Уларнинг жисмлари маълум йиллар ва асрларда дунёга келиб кетади, аммо тафаккурлари ҳамма вақт битта замонда, битта даврда яшайверади. Масалан, Ибн Сино тафаккури бизнинг давримизда яшамаяпти, деб ким айта олади ва аксинча, биз ҳам ўз тафаккуримиз билан Ибн Сино даврига боролмаймизми? Лекин ҳамма ҳам ўз тафаккурларидаги барҳаётлик муҳрини ўзлари қолдирган меросга боса олмайдилар. Шу жумладан, шоирлар ҳам. Уларда ўз шеърларига барҳаётлик муҳрини босиш имтиёзи бор. Улар мана шу имтиёздан фойдаланолсалар шеърлари ҳеч қачон қаримайди.

— Бугунги кунда ҳам "турли асрлар"да яшаётган давлатлар бор...

— Бир пайтлар феодализм, капитализм, социализм деган тушунчалар бўларди. Оммавий ахборот воситалари ривожланган сари бу тафовутлар емирилиб бормоқда. Ҳиндистондаги қашшоқ Англиядаги корчалоннинг ҳисобида қанча бойлик борлигини ва у бу бойликни қандай орттирганини бир неча сониялар ичида билиб олади. Ва ўзи ҳам мана шундай бойиб кетиш йўлини излай бошлайди. Умуман, Интернет — Ер шаридан давлатлар орасидаги чегараларни йўққа чиқарди ҳамда Ер шари умумий Ватанимиз, бутун инсониятнинг Ватани деган хулосаларга олиб келмоқда. Худди, оила — муқаддас Ватан, маҳалла — муқаддас Ватан, улғайган шаҳрим — муқаддас Ватан, юртим — муқаддас Ватан бўлгани сингари, энди бутун Ер юзи — муқаддас Ватан деган тушунчалар ҳосил бўлмоқда. Ҳозир Нью-Йоркда 188 миллат яшайди. Англия аҳолисининг 15 фоизини ҳиндлар ташкил этса, Германиянинг 15 фоиз аҳолиси турклардир.

Ҳеч қайси асрда Ер юзи аҳолиси бир-бири билан бу қадар чамбарчас, мустаҳкам алоқада бўлмаган, бир-бири билан тилда, фикрда, муносабатларда бу қадар боғланмаган бўлсалар керак.

— Келинг, суҳбатимизни адабиёт ҳақида давом эттирсак. Сизнингча, бугунги кун ўзбек адабиёти намуналари орасида жаҳон адабиёти саҳнасига чиқишга арзигулик асарлар борми?

— Бу менинг бутун умрим давомида ушалишини чин диддан истаган орзуларимдан бири. Колумбия, Мексика, Аргентина адабиёти сингари ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиёти шоҳсупасига кўтарилишига ишонаман. Бу жуда катта жараён, бу жуда катта бўрон. Битта, иккита ёзувчининг "ух" тортгани бундай бўрон кўтарилиши учун камлик қилади. Лекин менинг умид ва ишонч билдиришимнинг сабаби, адабий қиёфасини жаҳон саҳифасига олиб чиқишга арзийдиган беназир ва жафокаш, қалби исён ва изтиробларга, муҳаббат ва дарду ҳасратларга тўла халқимиз бор. Уларни санъаткорона ёритолмасак, бу биз ёзувчиларнинг ожизлигимиздир. Буни тўлиқ тан олиш керак. Буни тан олмаслик Мексика осмонида ярқираган юлдузларни тан олиб, Ўзбекистон осмонида кўринган ярқироқ юлдузларни тан олмасликдай мантиқсизлик бўлар эди. Ахир, Осмон ҳам, Юлдуз ҳам ўша-ўша-ку?

— Шоир учун унвон керакми, йўқми?

— Унвон аслида ҳарбий хизматда бўлади. Ким оддий аскар, ким зобит, кимдир генерал. Ким ўзини бундай хизматдан холи деб ҳисобласа, унга унвоннинг кераги йўқ. Ижодкор учун элу юртнинг муҳаббати энг юксак унвон. Машҳурлик даражаси ортгани сари унвон ҳам ўз-ўзидан юқорилаб кетаверади. Халқ танимаган халқ шоири бу — борлигини ота-онаси билмайдиган фарзандга ўхшайди. Бундай номи бору ўзи йўқ фарзандлар борликларин тезроқ ошкора қилсалар, яхши бўларди.

— Нимани орзу қиласиз?

— "Ватан остонадан бошланади", деган гап бор. Ватан биз учун остонанинг ўзидаёқ тугаб қолмаслиги керак. Бир пайтлар, мустабид тузум даврида А.Орипов "Икки дарё оралиғида, қолиб кетди ўтли овозим", дея ҳайқирган эди. Президентимизнинг халқаро миқёсдаги оқилона сиёсати, Ватанимизнинг минг йиллик шон-шавкати шарофати билан юртимизнинг "ўтли" юрак соҳиблари дунё саҳнасига янада кўпроқ чиқишларини орзу қиламан.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ суҳбатлашди

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё ила уялинглар, чунки Аллоҳ таоло ўрталарингизда ризқни тақсимлаб қўйганидек, ахлоқларингизни ҳам тақсимлаб қўйган.

Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишади.

Одамларнинг яхшилигига раҳмат айтувчи киши Аллоҳга ҳам ҳаммадан кўп шукр қилувчи ҳисобланади.

Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади.

Баъзи бир сўзда сеҳр, баъзи бир шеърда ҳикмат бордир.

Мўмин кишига вафотидан кейин савоби етиб турадиган амали солиҳлар: тарқатган илми, қолдирган солиҳ фарзанди, мерос қолдирган қуръони, қурган масжиди, йўловчилар учун қурган меҳмонхона уйи, қазиган ариғи, тириклигида ва соғломлигида садақа-эҳсон учун ажратган молидир.

Аллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилади.

Албатта мен қарғаш ва ёмонлаш учун юборилмадим, балки меҳрибонлик ва раҳмдиллик учун юборилдим.

Биродарнинг биродарга қилган ғойибона дуоси ижобатдир (қабулдир).

Узоқ-узоқ зиёрат қил, ўртада муҳаббат зиёда бўлади.

Қабрларни зиёрат қилинглар, зеро у сизларга охиратни эслатади.

Яхшиликка далолат қилувчи киши яхшиликни қилган киши билан (савобда) баробардир.

Раҳмдилларга Аллоҳ таоло ҳам раҳм қилади. Ердагиларга сизлар раҳм қилинглар, осмондаги зот сизларга раҳм қилади.

Кўнгли юмшоқлик (ҳалимлик) ҳикматнинг бошидир.

Отага итоат қилиш — Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш — Аллоҳга осий бўлишдир.

Касал кўргани борувчи киши жаннат боғида юргандекдир.

Аллоҳ таоло айтади: "Мен учун ўзаро дўстлашганлар, бирга суҳбатлашганлар, бир-бирига хайр-эҳсон қилганлар ва зиёфатлашиб турувчиларга муҳаббатим ҳақдир".

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Сирдарё Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси корхона бош ҳисобчиси **Самад СОДИҚОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, ишларида омад тилайди.

Ҳурматли Озода МУЗАФФАРОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. "Матбуот тарқатувчи" АКдаги ишингизда омад ёр бўлсин. Доимо эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин.

Яқинларингиз

"Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти Шофиркон филиали жамоаси корхона бошлиги **Иззатулло ХЎЖАЕВ**ни таваллуд топган куни билан муборакбод этади. Унга соғ-саломатлик, тинчлик-омонлик, ишларида ривож тилаб қолади.

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб), Раҳимжон ТУРҒУНОВ, Алишер ХЎЖАЕВ, Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. *Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.* Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. *Тижорий материал — t.* Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. *Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.* Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz. Нашр кўрсаткичи — 227; 228. Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

666-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади 6475 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Мати терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти –